

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ
МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ УЧУН
ЙИЛЛИК ҲИСОБОТИ**

Йиллик ҳисобот тузилиши:

1. **БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ КИРИШ СЎЗИ**.....
2. **2011 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ**.....
3. **БАНК 2011 ЙИЛДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ
ЯКУНЛАРИ**.....
4. **БАНК ХАЛҚАРО САҲНАДА**.....
5. **КОРПОРАТИВ БАНК**.....
Филиаллар тармоғи.....
Кредит фаолияти.....
Ипотека ва истеъмол кредитлари бериш.....
Лойиҳаларни молиялаш.....
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш.....
6. **ЧАКАНА БАНК**.....
Омонат операциялари.....
Пластик карточкалар.....
7. **ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ**.....
8. **БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**.....
9. **БАНК ХОДИМЛАРИ**.....
10. **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАСВИРИЙ САЊАТ ГАЛЕРЕЯСИ**.....
11. **2012 ЙИЛ УЧУН ВАЗИФАЛАР**.....
12. **АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ**.....

БОШҚАРУВ РАИСИНИНГ КИРИШ СЎЗИ

Қадрли мижозлар ва ҳамкорлар!

Шу кунларда Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган кунининг йигирма йиллигини нишонлаяпти. Мамлакатимиз мустақил ривожланган 20 йил мобайнида ислохотлар руҳи, кучли иқтисодиёт ва ривожланган демократик жамиятга эга давлат барпо этишга қаратилган қудратли бунёдкор куч ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки эса, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ ушбу ишда ҳукуматнинг ишончли таянчи бўлиб келди.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинганидан кейин бир неча кун ўтгач – 1991 йил 7 сентябрда ёш давлат Президенти ўзининг дастлабки ҳужжатлари орасида «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Банк олдида мамлакат компанияларининг ташқи савдо операциялари бўйича хизмат кўрсата оладиган жаҳон даражасидаги молия муассасасини яратиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда кўмаклашиш, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этиш билан боғлиқ мутлақо янги ҳамда масъулиятли вазифалар кўйилди.

Ҳозир Миллий банк, бу – кенг филиаллар тармоғига эга бўлган, барча турдаги банк хизматларини тақдим этувчи, жумладан инвестиция бизнеси, лойиҳаларни молиялаш ва корпоратив молиялаш, ташқи савдони молиялаш, активларни бошқариш, хусусий ва корпоратив мижозларга ҳисоб-китоб-касса хизматлари кўрсатиш ва истеъмол кредитлари бериш билан шуғулланувчи универсал банк.

Банк мана 20 йилдирки, ўз сармояси ва олаётган фойдасининг миқдори бўйича мамлакатдаги энг йирик кредит ташкилотлари орасида доимий равишда муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Субординацияланган облигацияларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, Банк сармояси 908,9 млрд. сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Банк Ўзбекистон банклари орасида биринчи ўринда турибди ва олинаётган фойда ҳажми бўйича мамлакатнинг 10та энг йирик кредит ташкилоти рўйхатининг бошидан жой олган.

Банк учун ўтган 2011 йил яна деярли барча кўрсаткичлар бўйича бир маротаба рекорд йили бўлди. Бутун банк сектори жадал ривожланаётган шароитда Ўзмилийбанк мамлакат молия бозоридаги ўз пешқадамлик мавқеини дадил сақлаб турибди.

Банк мижозлар учун ҳамиша очиқ ва у барча турдаги замонавий банк маҳсулотлари ҳамда хизматларини таклиф этиб, энг катта талабларга ҳам жавоб беришга тайёр.

Буларнинг барчаси заминида Банк доимо амал қилиб келаётган асосий принцип ётипти. Яъни, Банк доимий ривожланишга бўлган ўз интилишида ҳамиша мижозлар эҳтиёжларини ҳисобга олади. Ушбу йўналишда доимий равишда олиб борилаётган иш менежмент идеологиясининг ҳамда Банкка асос солинаётган босқичдаёқ бошланган фаолиятнинг асосини ташкил этади.

Миллий банк фақат Ўзбекистонда эмас, хорижий давлатларда ҳам эътироф этилган. У хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни изчил ривожлантира бориб, Ўзбекистон Республикаси халқаро молия ҳамжамиятига қўшилишида фаол кўмаклашмоқда.

Банк потенциал шерикларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик борасидаги иқтисодий манфаатларини тезкор аниқлашга ва уларни ўз ихтиёридаги барча воситалар билан қувватлашга интилмоқда.

Ҳозирда Миллий банк бир қанча халқаро рейтингларга эга. Moody's ва Standard and Poor's каби халқаро рейтинг агентликларининг рейтинглари унга “Барқарор” прогнози билан берилди ва тасдиқланди. Бу эса мазкур банк мамлакат учун хорижий инвестицияларни жалб этиш ва бошқаришда ҳамда халқаро савдо операциялари бўйича хизматлар кўрсатишда пешқадамлик қилаётганлигини акс эттиради.

Банк ўз режаларини банк сектори ривожланишининг умумий тенденцияларига мувофиқ тузаяпти.

Банк томонидан ишлаб чиқилаётган кредитлаш дастурларида миллий саноатнинг асосий тармоқларини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қоидалар доимий қайд этиб келинмоқда. Уларнинг ривожланиши эса, бутун иқтисодиёт ҳамда мамлакат ижтимоий секторига ижобий таъсир кўрсатади.

Мустақиллик йиллари давомида жамиятда иқтисодиётнинг хусусий секторига муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон кичик бизнеси ўз мавқеини йилдан йилга мустаҳкамламоқда. Мамлакатимиз хусусий ва кичик фирмаларининг маҳсулоти республика аҳолисининг ҳурматини тобора кўпроқ қозонапти. Ушбу йўналишда мамлакат етакчи банки – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг роли улкан бўлмоқда.

Кўп йиллик иш тажрибаси, халқаро рейтинглар билан қайта-қайта тасдиқланаётган етакчилик, шунингдек мутахассисларнинг юқори малакали тайёргарликка эгаллиги Банкка

умуммиллий аҳамиятга эга хўжалик объектларини ривожлантириш молияланишини юксак даражада таъминлаш имконини бераётир.

Банк томонидан ажратилаётган кредитлар минглаб тадбиркорларга ўз бизнесини ташкил этиш имконини берапти ва айни пайтда янги иш ўринлари вужудга келтирилишида кўмаклашмоқда.

Банк мамлакат иқтисодиётининг амалда барча тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этаяпти. Инвестицияларнинг энг катта ҳажми нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, рангли ва қора металлургия, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, алоқа инфратузилмаси, транспорт ва сайёҳлик соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган. Лойиҳаларни молиялаш натижасида тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ўсишига эрашилди.

Кейинги йилларда Банк ўзининг минтақавий бўлимлари ва филиаллари тармоғини тобора кенгайтириб, уларда аҳолига банк хизматларини тақдим этиш ҳисобига ўз бизнесининг чакана йўналишини фаол ривожлантириб келаяпти.

Филиаллар мижозларга хизмат кўрсатилишини анча тезлаштириш ва мақбуллаштириш, шунингдек барча турдаги банк хизматларини тақдим этиш имконини берувчи замонавий усқуналар билан жиҳозланган. Бу ерда, жумладан, манфаатли шартларда миллий ва хорижий валюталардаги омонатларни қабул қилиш, халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш, коммунал тўловларни ўтказиш, пластик карточкалар бўйича ва бошқа кўплаб хизматлар тақдим этилаяпти.

Миллий банк бир томондан бутун дунёдаги молиявий ташкилотлар билан банклараро муносабатларнинг зарур даражасини таъминлаш учун, иккинчи томондан республикада ўз мижозларига зарур барча хизматларни юқори сифат билан тақдим этиш мақсадида, қабул қилинган умумжаҳон стандартларига мувофиқ ахборот тизимларини тараққий эттирмоқда. Доимий асосда амалий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва модернизациялаш ҳамда амалдаги автоматлаштирилган банк тизимларини модернизациялаш ишлари олиб борилаяпти.

Банк хизматлари доирасини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, замонавий янги банк маҳсулотларини ўзлаштириш, жиҳозланганлик ҳамда банк хизматлари автоматлаштирилишини халқаро даражага етказиш вазифаси малакали ходимлар жалб этилиши ва профессионал тайёргарликдан ўтказилишини, шу жумладан минтақавий тармоқ кадрлари кучайтирилишини тақозо этади. Жамоа, бу – эришилган натижаларда тўхтаб қолмасдан, ўз мижозларининг манфаати йўлида доимий камолот сари интилувчи юқори малакали мутахассислар.

2011 йил Ўзбекистон Республикасининг банк-молия тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришда навбатдаги босқич бўлди. Босиб ўтилган йўлга назар ташлар ва айрим хулосаларни чиқарар эканмиз, “Миллий” мақомга эга бўлган халқаро даражадаги банк муассасасини яратиш лойиҳаси шак-шубҳасиз муваффақият қозонди, дея оламиз.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш динамикаси, унинг турмуши ва аввало иқтисодиёт соҳасининг барча томонлари эркинлаштирилганлиги мамлакат олдида турган янги масъулиятли вазифаларга жавоб берадиган Банкни янада ривожлантириш учун объектив асос яратади.

Банк Бошқаруви ва шахсан ўз номидан Банк мижозлари ва ҳамкорлари бизга ишонч билан қараганлари ҳамда кўп йиллар давомида биргаликда самарали ишлаганлари учун уларга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Биз Сиз билан ҳамкорликни ғоят қадрлаймиз!

Хурмат билан,

Бошқарув Раиси
С.Раҳимов

2011 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

Жаҳон иқтисодиётидаги ишларнинг аҳволини таҳлил қилар эканмиз, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали яқун топмаган, деб айтишга асос бор. Тобора ўсиб бораётган давлат қарзлари ва Давлат бюджети тақчиллиги, жаҳон резерв валюталарининг барқарор эмаслиги, халқаро молия-банк тизимининг кредит қобилияти пасайиб бораётгани, инвестицион фаоллик пасаяётгани билан боғлиқ ҳал этиш мушкул бўлган муаммолар хатарларни кучайтириб ва вазиятни мавҳумлаштириб, кўплаб мамлакатлар иқтисодиёти тикланиши ҳамда ўсиши суръатларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

“Саккизлик” ва “Йигирмалик” доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамай, аввало, жаҳон молия-валюта тизимида бошқарув ва назорат билан боғлиқ инқирозни ҳал этишнинг барча тарафларни қаноатлантирувчи ягона иқтисодий моделини ишлаб чиқишнинг имкони бўлмапти. Бу эса, асосий иқтисодий давлатларни ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб иш тутишга мажбур қилмоқда.

Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия муассасалари кейинги йилларда ва ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришда эришилган натижаларни юксак баҳоламоқда.

Халқаро валюта фондининг охириги баҳолаш миссияси натижалари бўйича хулосасида, хусусан, “Ўзбекистон жўшқин ўсишга муваффақ бўлди ва жаҳон молиявий инқирозини енгиб ўтди”, деб таъкидланган. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари 8,5 фоизни ташкил этди. Бу эса, Марказий Осиё бўйича ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўтган йилда ЯИМ ўсиши суръатлари, худди кутилганидек, амалда 8,3%ни ташкил этди, 2000-2011 йиллар даврида эса ЯИМ ҳажмлари 2,1 баравар ошди ва шу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон жаҳонда иқтисодиёти энг жўшқин ривожланаётган мамлакатлар орасидан жой олди.

Агар 2000 йилда ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг атиги 14,2 фоизи саноат ишлаб чиқариши улушига тўғри келган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизни ташкил қилганлиги бу ерда юз берган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари кўрсаткичи бўлди.

Кўшилган қиймат солиғи юқори бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини ташкил қилди. 2011 йилда машинасозлик ва автомобилсозлик тармоқлари (12,2%), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4%), озиқ-овқат саноати (13,1%), қурилиш материаллари саноати (11,9%), фармацевтика ва металлсозлик тармоқлари (18%) тобора ўсиб борувчи суръатлар билан ривожланиб, ҳозирги кунда мамлакат иқтисодиёти ўсишининг локомотивларига айланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши ҳамда унинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти ўсганлиги катта ютуқ бўлди. Ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ЯИМ умумий ҳажмининг 54 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушига тўғри келди. Бу эса, 2010 йил январь-декабрь ойларидагига нисбатан 1,5 фоизли банд кўпдир. 2011 йил январь-декабрь ойларида кичик корхоналар ва микрофирмалар улуши 33,7 фоизни ташкил қилди. Ҳолбуки, мазкур кўрсаткич 2010 йил январь-декабрь ойларида 32,7 фоиз эди.


“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар 2011 йилнинг январь-декабрь ойларида 31 мингта янги кичик бизнес корхонаси (фермер хўжаликларидан ташқари) барпо этилишига олиб келди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 2011 йил январь-декабрь ойларида:

- 8913,5 минг киши, шу жумладан якка тартибдаги секторда 6575,1 минг киши, кичик корхоналар ва микрофирмаларда 2338,4 минг киши иш билан таъминланди;
- 8742,7 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди (республика бўйича бутун саноат ишлаб чиқаришининг 21 фоизи);
- 5788,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди (республика бўйича ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 31,6 фоизи);
- 6513,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилди;
- автомобиль транспортида юк ташиш ҳажми 8,2 фоиз ўсиши таъминланди (республика бўйича юк ташиш умумий ҳажмининг 77,9 фоизи);
- республика чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 47 фоизи шакллантирилди ва бу кўрсаткич 13295,0 млрд. сўмни (ўсиш – 8,4 фоиз), пулли хизматлар, тегишлича 46,4 фоиз ва 4893,9 млрд. сўм (14,1 фоиз)ни ташкил этди);
- 2827,6 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулот экспорт қилинди (экспорт умумий ҳажмининг 18,8 фоизи) ёки бу кўрсаткич 2010 йил январь-декабрь ойларидаги даражага нисбатан 158,6 фоизни, импорт ҳажми 3934,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Кичик тадбиркорлик хусусий секторида машғул бўлганлар сони 8204,4 минг кишини ёки шу соҳада фаолият юритаётганлар умумий миқдорининг 92 фоизини ташкил этди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик улуши қуйидагича:
умумий ҳажмга нисбатан % ҳисобида



2011 йил январь-декабрь ойларида республикада қарийб 41656 млрд. сўм қийматидаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди.

14926,3 млрд. сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, шундан қарийб 6609 млрд. сўмлиги озиқ-овқат моллари ва 8317,4 млрд. сўмлиги ноозиқ-овқат молларидир.

2011 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ҳажми 19633,6 млрд. сўмни, шу жумладан ўсимликшунослик маҳсулоти 11347,4 млрд. сўм (106 фоиз)ни, чорвачилик маҳсулоти 8286,2 млрд. сўм (107,6 фоиз)ни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш таркибида деҳқон хўжаликларининг улуши 63,7 фоизни (2010 йил январь-декабрь ойларида – 62,9 фоиз), фермер хўжаликлари улуши 34,1 фоизни (35 фоиз), қишлоқ хўжалиги корхоналари улуши 2,2 фоизни (2,1 фоиз) ташкил этди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришлар қилиш ва диверсификациялаш масалаларига улкан эътибор қаратилаётгани экспорт ҳажмлари, номенклатураси ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди. Экспорт маҳсулоти ҳажми 2011 йилда 2010 йилдагига нисбатан деярли 15,4 фоиз ўсиб, 15 млрд. АҚШ долларини ташкил этди ёки 2000 йилдагига нисбатан 4,6 баравар кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4,5 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Экспорт ҳажмидаги тайёр маҳсулот қиёсий салмоғи 60 фоиз ўсди. Ҳолбуки, 2010 йилда у қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.


2011 йил январь-декабрь ойларида ташқи савдо айланмаси 25537,1 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДХ мамлакатлари бўйича 11110,1 млн. АҚШ долларини ва бошқа мамлакатлар бўйича 14427,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Айти пайтда, ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмида экспорт операциялари 15027,2 млн. АҚШ долларини ва импорт операциялари 10509,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Импортга нисбатан экспорт ҳажми 143 фоиз бўлди. Ҳолбуки, аввалги йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 141,9 фоиз эди.

Ташқи савдо бўйича ижобий сальдо 4517,3 млн. АҚШ доллари, шу жумладан МДХ мамлакатлари бўйича 2330,1 млн. АҚШ доллари ва бошқа мамлакатлар бўйича 2187,2 млн. АҚШ доллари бўлди.

2011 йилда Республика ташқи савдосида МДХ давлатлари ва бошқа мамлакатларнинг қиёсий салмоғи

фоиз ҳисобида



Республикада кулай инвестиция мухити яратилганлиги таркибий ўзгартишларни тезлаштирувчи бош омил бўлиб хизмат қилди.

2011 йилнинг январь-декабрь ойларида бутун республика бўйича доллар эквивалентида 10,7 млрд. АҚШ доллари ҳажмидаги асосий сармоёга инвестициялар ўзлаштирилди. Бу эса, 2010 йил январь-декабрь ойларидагига нисбатан 112,5 фоизни ташкил этди.

Асосий сармоёга ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 2011 йил январь-декабрь ойларида миллий валютада 18291,3 млрд. сўмни ташкил қилди.

Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тармоқларида 12917,4 млрд. сўмлик (умумий ҳажмнинг 70,6 фоизи), ноишлаб чиқариш тармоқларида 5373,9 млрд. сўмлик (29,4 фоиз) инвестициялар ўзлаштирилди.

Молиялаш манбалари ҳамда капитал қўйилмалардан фойдаланиш йўналишлари тузилишида ижобий сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Барча инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи республиканинг ўз ички манбалари, инвестиция жараёнларида тобора фаолроқ қатнашаётган корхоналар ва аҳолининг ўз маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, шунингдек давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан шаклланмоқда.

Барча инвестицияларнинг 73,5 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш қурилишига йўналтирилаяпти. Яна шуниси айниқса муҳимки, инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий юқори самарали ускуналар сотиб олишга йўналтирилди.

Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш натижасида ҳисобот йилида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Хусусан, “Дженерал Моторс Павертрэйн Ўзбекистан” ҚҚда автомобиль двигателлари, автомобиль генераторлари ва компрессорлари ишлаб чиқарувчи янги юксак технологияли қувватлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, энергияни тежовчи лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди, “Зенит электроникс” ҚҚда “Самсунг” русумли кир ювиш машиналарини ишлаб чиқариш, маиший газ плиталари, кондиционерлар, маиший электр чанг ютгичлар ва бошқа бир қанча ишлаб чиқаришлар ўзлаштирилди.

“Муборак газни қайта ишлаш заводи” УШҚда суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни қўпайтириш учун пропан-бутун аралашмаси қурилмасининг биринчи навбати, Самарқанд вилоятида “MAN” юк автомобиллари ишлаб чиқариш бўйича янги комплекс дилерлик маркази қуриб битказилди.

Навоий ИЭСда буғ-газ қурилмаси қурилиши, Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг учинчи чизигини барпо этиш йўналишидаги қурилиши-монтаж ишлари ўзининг фаол босқичига кирди.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятли ишлай бошлади. Унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналар томонидан спидометрлар, автомобиль симлари, компрессорлар, рақамли ТВ-тўнерлар, энергияни тежовчи лампалар, ёритиш ускуналари, ёритувчи диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, косметик воситалар, шунингдек тиббиёт мақсадларидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Барқарор макроиқтисодий ривожланиш шароитида мамлакатимиз банк тизими мамлакат иқтисодиётида тобора муҳимроқ рол ўйнамоқда. Ўтган йилда мамлакат банк-молия тизимининг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш ва барқарорлигини ошириш борасида катта ишлар қилинди.

Кейинги беш йил мобайнида мамлакат банк сектори сармоясининг етарлилик кўрсаткичи Банк назорати бўйича Базель кўмитаси белгилаган 8 фоизлик халқаро нормативдан уч баравар юқори даражада турибди.

“Стандарт энд Пурс”, “Мудис” ва “Фитч Рейтингс” каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари сурункасига икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига “барқарор” даражасида рейтинг баҳоси бериб келмоқда. Устига-устак, республиканинг шундай баҳо олган тижорат банклари сони ҳам йил сайин ортиб бораёпти. Агар 2010 йилда мамлакатнинг 15та тижорат банки “барқарор” рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23тага етди. Бу банкларнинг активлари ҳажми эса бутун республика банк тизими умумий активларининг 98 фоизидан ортиғини ташкил этади.

Аҳолининг банк тизимига ишончи ўсиб бораётганлиги банк фаолияти самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичидир.

2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ маблағ жалб этилди. Бунда аввалги йилдагига нисбатан ўсиш 36,3 фоизни ташкил этди. Шундан 38,8 фоизи аҳоли депозитларига жалб этилган маблағлардир.

Банklar кредит портфелининг сифат тузилиши тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда кредит портфелининг 85,3 фоизи ички манбалар – юридик ва жисмоний шахсларнинг депозитлари ҳисобидан шакллантирилди.

Тижорат банкларининг инвестицион фаоллиги ортиб бораётир. Бунда тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоизидан ортиғи уч йилдан ошадиган узоқ муддатли инвестиция кредитларидир. Умуман кейинги ўн йил ичида мамлакат банклари иқтисодиёт реал секторини кредитлаши ҳажми 7 баравар ошди.

Иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиш йўли билан уларни соғломлаштириш соҳасида жорий этилган ноанъанавий ёндашув ҳам ўз самарадорлигини кўрсатди. Ҳозирги вақтда банкларга берилган 164та банкрот корхонадан 156тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110та корхона эса янги инвесторларга сотилди. Қайта тикланган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш учун тижорат банклари томонидан 275 млрд. сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилди. Бу эса 22 мингдан ортиқ иш ўрнини яратиш имконини берди.

БАНК 2011 ЙИЛДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТНИНГ АСОСИЙ ЯКУНЛАРИ

Иқтисодиёт – жамият турмушининг асоси. Иқтисодиёт қанчалик ривожланган бўлса, давлат ҳам шунчалик кучлироқ, шунингдек халқнинг турмуш даражаси ва фаровонлиги юксакроқ бўлади. Шу боис, бозор шароитида барқарорликнинг ўзигина эмас, айти пайтда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳам муҳимдир. Бунинг учун Ўзбекистонда иқтисодиётнинг потенциал имкониятларини ишга солиш билан бир вақтда ҳар томонлама пухта ўйланган ва аниқ мақсадли иқтисодий ривожланиш стратегияси амалга ошириляпти.


Миллий иқтисодиёт тармоқлари таркибан чуқур қайта қурилишини таъминлайдиган сиёсатни амалга оширишда ва ижобий макроиқтисодий динамикани таъминлашда молия муассасалари – банклар муҳим аҳамиятга эга. Улар орасида энг каттаси Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятининг барча соҳаларида етакчилик қилиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидир.

Доимий жўшқин ривожланиб бораётган Миллий банк банк хизматлари бозоридаги ўз иштирокини кенгайтирмоқда. Банк томонидан хизмат кўрсатилаётган миқдорлар умумий сони 2010 йилда 2.374.500тани ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 2.636.400тага етди.


Миллий банк – республикадаги иқтисодий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиси. Шу муносабат билан, инвестиция фаолияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари, маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағлари депозитларга жалб этилишини рағбатлантириш давлат дастурларини қўллаб-қувватлаш унинг фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади. Бунинг учун Банк инвестиция дастурлари билан боғлиқ лойиҳаларни, кичик бизнес лойиҳаларини жалб этилган маблағлар, шунингдек ўзига тегишли ресурслар ҳисобидан молиялаш билан шуғулланаяпти, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва улар мамлакат бозорида барқарор ишлашини таъминлашда ёрдам берадиган ресурсларни жалб этиш ишларини амалга оширмоқда.

Тақдим этилаётган кредит йўналишларидан фойдаланиш мақсадида Банк халқаро молия ташкилотлари ва хорижий банклар билан алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган аниқ мақсадли сиёсат юритаяпти. Банкнинг вакиллик тармоғини мақбуллаштириш хорижий банклар билан алоқаларни мустаҳкамлаш ишида катта аҳамиятга эга.

Миллий банкнинг жамлама баланси миллий валюта – сўм эквивалентида 2006-2011 йиллар даврида 4.946 млрд. сўм ёки 2,7 баравар кўпайди, 2011 йилда ўсиш 939 млрд. сўм ёки 13%ни ташкил этди.



Миллий банк сармояси миллий валюта – сўм эквивалентида (субординацияланган облигацияларни ҳисобга олганда) 2006-2011 йиллар даврида 412 млрд. сўм ёки 83% кўпайди. 2011 йилда эса сармоя ўсиши 12%ни ташкил этди.



Юксак даражадаги капиталлашув туфайли (2011 йилда сармоя адекватлиги кўрсаткичи 26,8%, левераж 9,9%ни ташкил этди. Ҳолбуки, Ўзмарказбанкнинг норматив талабларига кўра бу кўрсаткичлар тегишлича 10% ва 6%дан кам бўлмаслиги керак) Миллий банк миждозлар базасини кенгайтириш учун катта резервни сақлаб турибди.

Активлар ва пасивларни бошқариш


Активлар ва пасивларни бошқаришнинг бош вазифаси ташқи муҳит ҳамда активлар ва пасивлар тузилиши таъсирида вужудга келадиган хатарларни бошқариш ва назорат қилиш усуллари ёрдамида стратегик мақсадлар бажарилишини таъминлашдан иборатдир.

Активлар ва пасивларни бошқариш борасида Банк томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг асосий мақсади: капиталлашув даражасини ошириш, пул оқимларини қоплаш учун ликвидликнинг зарур даражасини сақлаб туриш, ҳар бир мижознинг юқори сифатли ва ишончли банк хизматларига бўлган эҳтиёжи қондирилишини таъминлаш; омонатларни жамғариш ва иқтисодиётга инвестициялаш, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти ривожланишида кўмаклашиш, маблағларни жойлаштиришдан келадиган даромадларни йўл қўйиш мумкин бўлган хатар даражасидан четга чиқмаган ҳолда ошириб бориш ва мақбуллаштириш, Банкнинг активлари ва пасивлари муддатлар бўйича мувозанатда бўлишига эришиш, барқарор молиявий натижага эришиш.

Банк қўйилган мақсадларга қуйидагилар ҳисобидан эришади:

- эҳтимолий хатарлар даражаси чекланган ҳолда энг катта даромад олиш мақсадида Банк балансининг энг мақбул тузилишини шакллантириш;
- сармоя етарлилиги ва ликвидликни назорат қилиш;
- сармоя базаси Банкнинг актив операциялари ўсишига адекват тарзда ўсишини таъминлаш;
- мижозларнинг манфаатларини муҳофаза қилиш;
- стандарт технологияларни ҳар бир мижозга индивидуал ёндашув билан уйғунлаштириш асосида мижозлар билан ишлаш идеологиясини такомиллаштириш;
- мижозлар базасини кенгайтириш;
- операциялар рентабеллиги ва бозордаги шарт-шароитни баҳолаш асосида ягона фоиз ва тариф сиёсатини ҳаётга тадбиқ этиш;
- бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- мижозлар ишончи, хизмат кўрсатиш тарихи, анъаналари ва тажрибаси каби рақобат афзалликларидан самарали фойдаланиш;
- ресурсларни тезкор қайта тақсимлаш ва кўп филиалли мижозларга комплекс хизматлар кўрсатиш имкониятлари;
- Банк баланси янада ўсишини таъминлаш ва ҳ.к.

2011 йил натижалари бўйича Миллий банк активларининг тузилиши қуйидаги графикда фоиз ҳисобида кўрсатилган:



Активлар тузилишида кредит операцияларининг қиёсий салмоғи ғоят катта (Банк жамаи нетто активларининг 54%). Банк аввало иқтисодийнинг базавий тармоқларига мансуб корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларини кредитлар билан атрофлича қўллаб-қувватламоқда: кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожланишини рағбатлантираёпти; хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаси тармоқлари, шунингдек минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари кредитлар билан қувватланишини таъминламоқда ва ҳ.к.

Банк балансининг ликвид ҳолатини таъминловчи пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига тўғри келадиган қиёсий салмоқ 29%ни ташкил этаётир.

Ҳам ички, ҳам халқаро пул бозорларида депозитларни жойлаштириш ишлари мамлакатлар, банклар ва банк маҳсулотлари учун белгиланган хатар лимитлари доирасида амалга оширилмоқда.


Инвестициялар ва қимматли қоғозларга қўйилмалар 8%ни ташкил этди.

Активлар умумий тузилишидаги Банкнинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки улуши 2%ни ташкил қилди.

Банкнинг ўз сармояси етарлилиги кўрсаткичи Миллий банк фаолиятининг сифатини тавсифловчи омиллардан бири ҳисобланади. Миллий стандартларга кўра, 1-даражали ва умумий сармоя етарлилиги кўрсаткичлари зарур энг паст даражадан (тегишлича 5% ва 10%) юқори бўлиб, 2006-2011 йиллар даврида қуйидагича бўлди:

	2006	2007	2008	2009	2010	2011
1-даражали сармоя етарлилиги кўрсаткичи (%)	32,5	29,9	28,8	23,6	23,9	26,1
Умумий сармоя етарлилиги кўрсаткичи (%)	31,2	29,2	27,8	10,8	25,4	26,8

2011 йил натижалари бўйича Миллий банк пасивларининг тузилиши фоиз ҳисобида қуйидаги графикда келтирилган:



Банк пасивлари тузилишининг ўзига хос хусусияти унинг Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестициялар ва қарзларни жалб этиш борасида Республика Ҳукуматининг агенти сифатидаги роли билан боғлиқдир. Банк умумий пасивларининг 19% хорижий кредитлар улушига тўғри келади. Пасивлар тузилишида миқдорнинг маблағлари улуши 39%ни, шу

жумладан аҳоли омонатлари 5%ни, тўланиши керак бўлган қарзлар 20%ни, Банк чиқарган қимматли қоғозлар 2%ни, банкларнинг депозитлари 5%ни, сармоя 11%ни ташкил этади.

Пассивлар бошқарилишини мақбуллаштириш мақсадида қуйидаги чоралар қўлланилмоқда: ликвид позицияни сақлаб туриш учун контрагент банклар томонидан Банкка кредит йўналишлари очиш; ресурс базасини жойлаштириш муддатларига мувофиқ бўлган жалб этиш муддатлари бўйича диверсификациялаш; ўртача қолдиқ барқарорлигини ҳамда маблағлар ўтrockлиги даражасини аниқлаш учун коэффициентлар тизим орқали миқдорларнинг маблағларини таҳлил қилиш ва ҳ.к.

Активлар ва пассивларни бошқариш Банкнинг нарх сиёсати билан узвий боғлиқдир. Ушбу сиёсат самарали фаолиятни таъминлаш, фойдалилик билан ликвидлик орасида энг мақбул мувозанатни сақлаб туриш борасида энг муҳим вазифалардан бирини бажариб, умумиктисодий барқарорликни таъминламоқда, шунингдек Банк миқдорлари учун банк маҳсулотларининг жозибдорлигини белгилаб берувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Бизнес-режа асосида, макроиктисодий омиллар ва бозордаги шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда депозит омонатлари ҳамда кредитлар бўйича базавий фоиз ставкаларининг миқдорлари тўғрисида қарорлар қабул қилинмоқда.

Активлар ва пассивларни, уларнинг таъсирчанлигини бошқариш фоиз маржасининг етарли даражасини таъминлайди ҳамда Банк балансини бошқаришнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади.

Маблағларни ишга солиш масалалари кўриб чиқиладиганда Банк томонидан, ривожланиш режаларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тартибга солувчи талаблари ҳам эътиборга олинапти.

Бундан ташқари, Банк ўз фаолиятида бир қарз олувчи ва ўзаро боғлиқ қарз олувчилар гуруҳига, вакил банкларга, пул ва валюта бозорларидаги операцияларга, савдони молиялаш операциялари, давлат облигациялари билан операциялар учун, савдо ҳамда инвестиция портфеллари бўйича, очиқ валюта позициялари юзасидан лимитлар каби ва бошқа соҳаларда хатар лимитларини белгилаш ва назорат қилишнинг Банкда ишлаб чиқилган тизимларига таянади.

Миллий банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг талабларида белгиланган иқтисодий нормативларни зарур даражада сақлаб турибди.

БАНК ХАЛҚАРО САҲНАДА

Республиканинг хорижий давлатлар билан иқтисодий алоқаларини чуқурлаштириш, хорижий сармоянинг Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларга бўлган қизиқишини ошириш, мамлакат иқтисодиётига инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этиш борасида Миллий банк зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ, унинг ташқи иқтисодий фаолияти хорижий банклар ҳамда халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга қаратилди.

Хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари (ХММ) билан ҳамкорлик доирасида Банк томонидан икки томонлама ҳамкорлик позицияларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишлари олиб борилаёпти. Хорижий банклар орасида қуйидагилар Миллий банк билан вакиллик муносабатлари ўрнатган асосий банклар ҳисобланади: Германиянинг Commerzbank AG ва Deutsche Bank AG, Американинг J.P.Morgan Chase ва Citibank, Швейцариянинг Credit Suisse ва UBS, Япониянинг Bank of Tokyo Mitsubishi UFJ (BTMU) ва Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC), Россиянинг «Азия-Инвест Банк» ЁАЖ ва «Банк ВТБ» ОАЖ банклари. Халқаро молия муассасалари орасида асосий шериклар сифатида Хитой Давлат Тараққиёт банки (ХДТБ), Хитой Экспорт-импорт банки (Хитой Эксимбанки), Корея Экспорт-импорт банки (Корея Эксимбанки), Ислон Тараққиёт банки (ИТБ), Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Япония халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) кабиларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Банк машҳур халқаро нашрларнинг нуфузли рейтингларида ҳар йили иштирок этиб, жаҳон банк тизимида илғор мавқеларни сақлаб турибди. Миллий банк «The Banker» нашри ҳар йили эълон қиладиган жаҳоннинг 1000та энг йирик банки рейтингига 1993 йилдан буён кириб келмоқда. 2011 йил якунларига кўра, Банк ўз активлари ҳажми бўйича Россиянинг «РИА-Аналитика» нашри версиясига кўра МДХдаги 50та энг йирик банк рўйхатидан жой олди («Активлар миқдорига кўра МДХдаги 100та энг йирик банк рейтингига»).

Банк профессионал молия муассасаси ва ўз мижозларининг ишончли ҳамкори сифатида мустаҳкам обрў қозонганлиги, шак-шубҳасиз, жаҳоннинг энг катта банклари билан вакиллик муносабатлари тармоғи кенгайишида кўмаклашди. Чунончи, киёслаш учун, 1992 йилда жаҳоннинг 83та энг катта банки билан вакиллик муносабатлари ўрнатилган эди. Ҳозир эса, Миллий банкнинг вакиллик тармоғи жаҳоннинг 80 мамлакатига тегишли қарийб 700та банкни қамраб олган.

Кўплаб ҳукуматлараро комиссияларнинг иштирокчиси бўлган Миллий банк республика иқтисодиётига хорижий банклар ва молия муассасаларининг маблағларини жалб этиш, банклараро операцияларни такомиллаштириш, хорижий банклар билан ҳамкорликнинг янги йўналишларини ривожлантириш масалаларида Ўзбекистон Республикаси номидан иш олиб бормоқда.

Чунончи, 2011 йил мобайнида Банк томонидан кўплаб икки томонлама битимлар ва меморандумлар имзоланди. Бу ҳолат, банк-молия муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, минтақавий ҳамкорлик доирасида экспорт-импорт савдо операцияларини қўллаб-қувватлаш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш, республикада кадрлар малакасини оширишда кўмаклашиш имконини берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Япония пойтахти Токио шаҳрига 2011 йил 8-10 февраль кунларидаги Давлат ташрифи доирасида Япониянинг етакчи банклари билан Ўзаро ҳамфикрлик меморандумлари имзоланганини шундай муҳим масалалар сифатида қайд этиш мумкин. Хусусан бунда Bank of Tokyo Mitsubishi UFJ билан Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини, шунингдек «Навоий» Эркин Индустириал Иқтисодий Зонаси (ЭИИЗ) лойиҳаларини молиялаш

учун Ўзмилийбанк фойдасига кредит йўналиши очиш кўзда тутилган ҳамфикрлик меморандуми ҳамда Sumitomo Mitsui Banking Corporation билан савдони молиялаш соҳасидаги операциялар учун Ўзмилийбанк фойдасига кредит йўналиши очиш кўзда тутилган меморандум имзоланди. Бундан ташқари, шу йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Хитой Халқ Республикасига Давлат ташрифи билан борганида Ўзмилийбанк ва ХДТБ ўртасида республика бўйича потенциал муҳим лойиҳаларни, айниқса “Навоий” ЭИИЗнинг, шунингдек кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаш учун жами 500 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги инвестициялар жалб этилиши назарда тутилган молиявий ҳамкорлик тўғрисида меморандум тузилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2011 йил май ойида Ҳиндистон Республикасига ташриф буюрганида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистон Экспорт-импорт банки ўртасида Ҳукумат кафолати билан жами 2 млрд. АҚШ доллари қийматида ҳамкорлик тўғрисида битим тузилди. Ушбу битимда ҳиндистонлик етказиб берувчи/пудратчилар автомобиль йўллари қурилиши, уй-жой қурилиши, газ ва нефть қувурлари ўтказилиши, энергетика ва аэропортлар қуриш каби соҳаларда иштирок этиши кўзда тутилган. 2011 йил 3 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Вьетнам бизнес-анжумани доирасида Ўзмилийбанк билан Вьетнамнинг Investment and Development Bank (IDB) ўртасида савдони молиялаш соҳасида Ўзаро ҳамфикрлик меморандуми имзоланди.

Бундан ташқари, 2011 йил октябрь ойида, Ўзбекистон-Хитой Ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитасининг ХХР пойтахти Пекин шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида Ўзмилийбанк билан ХДТБ ўртасида Ўзаро ҳамфикрлик меморандуми тузилди. Унда ХДТБ томонидан “Жиззах вилояти ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида юксак технологиялар саноат парки” лойиҳасини 50 млн. АҚШ доллари ҳажмида молиялаш имкониятини кўриб чиқиш кўзда тутилган.

Яна, Венгрия Республикаси Президенти жаноб Пал Шмит 2011 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикасига Давлат ташрифи билан келганида Миллий банк билан Венгрия ЭКСИМбанки ўртасида савдо ва лойиҳаларни молиялаш соҳасида ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган Ўзаро ҳамфикрлик меморандуми имзоланди. Йил охирида, аниқроғи 2011 йил 28 декабрь куни Ўзмилийбанк билан ХДТБ орасида ХХР Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати учун ажратган 80 млн. ва 100 млн. Хитой юани ҳажмидаги грантга ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш бўйича банклараро битим имзоланди.

Миллий банк 2005 йилдан буён Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Банклараро бирлашмаси (ШХТ ББ) аъзоси ҳисобланади ва ўша вақтдан буён ШХТ ББ аъзолари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда Бирлашма доирасида ўтказиладиган барча тадбирларда иштирок этиш борасида фаол иш олиб борилмоқда.

2011 йил мобайнида мамлакат Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли Қарорини бажариш мақсадида, Миллий банк вакилларининг гуруҳлари “Инқироздан кейинги даврда ҳар томонлама ҳамкорлик”, “ШХТ ББ доирасида корпоратив ижтимоий жавобгарлик”, шунингдек “Хатарларни таҳлил қилиш ва бошқариш”, “Ғазначилик ва инвестиция банкини”, “Лойиҳаларни молиялаш”, “Кредит рейтинги тизимлари ва халқаро банк стандартлари”, “Базель қўмитасининг тавсиялари” каби ва бошқа мавзулар бўйича ХДТБ ва “Внешэкономбанк” (Россия) томонидан ШХТ ББга аъзо банклар учун ташкил этилган бир қанча махсус семинарларда қатнашдилар. Бундан ташқари, Корея Тараққиёт банки (KDB) томонидан “Хатарларни бошқариш”, “Лойиҳаларни молиялаш”,

шунингдек “KDB мисолида халқаро пул бозорларида операциялар бажариш” каби мавзулар бўйича семинар ташкил қилинди.

Етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юксак баҳосини олиш ва сақлаб қолиш масаласи банк сектори ҳам, бутун мамлакат иқтисодиёти ҳам халқаро молиявий-иқтисодий тизимга янада муваффақиятли қўшилиб боришининг муҳим шarti ҳисобланади.

Ўзмилийбанкка нуфузли халқаро агентликларнинг рейтинглари берилганлиги танланган ривожланиш стратегияси тўғрилигини ҳамда Банкнинг ички ва ташқи бозорлардаги пешқадамлик мавқеини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда мамлакатда Ўзмилийбанк Moody's, шунингдек Standard and Poor's каби халқаро агентликларнинг рейтингларини олган ва уларни дадил сақлаб турган кредит-молия муассасасидир. Бу рейтингларнинг ҳаммаси “барқарор” прогнозига эга.

Рейтинг баҳоси Банк миллий иқтисодиётда, хорижий инвестицияларни республикага жалб этиш ва хорижий савдо операциялари бўйича хизматлар кўрсатишда муҳим вазифани бажараётганлигини акс эттиради.

КОРПОРАТИВ БАНК

Филиаллар тармоғи


Филиаллар тармоғини жўшқин ривожлантириш ва бошқариш Миллий банк фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда Миллий банк тармоғи республиканинг барча минтақаларида жойлашган 91та бўлим ва филиални ўз ичига олган. Ушбу ҳолат мижозларга ғоят кенг доирадаги замонавий банк хизматларини тақдим этиш имконини бермоқда. Энг илғор технологиялар қўлланилиши мижозлар учун асосий хизматларни тақдим этиш вақтини анча қисқартириш имкониятини яратаяпти.

Банкнинг филиаллар тармоғи турли минтақаларда жойлашган ҳамкорлар ўртасида ҳисоб-китобларни таъминлайдиган самарали ишловчи молиявий занжир кабилдир. Банк филиаллари ўз ишида эришган натижалар ҳозирда минтақавий тармоқ вужудга келтирилиши натижасида Банкда мижозлар базасини кўпайтириш, банк хизматлари турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, мижозларга комплекс хизматлар кўрсатиш учун қўшимча имкониятлар пайдо бўлди, деб дадил айтиш имконини бермоқда.

Филиаллар узлуксиз ишлаши натижасида 2011 йилда мижозлар базаси анча кенгайиб, уларнинг умумий сони 2636,4 мингтага етди ёки аввалги йилнинг шу давридагига (2374,5 мингта) нисбатан 11,0% кўпайди.

Миллий банк тизими бўйича мижозлар базаси кенгайиши динамикаси



Мижозларнинг ғоят хилма-хил эҳтиёжларини қондириш, улар учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида, Банк ўзининг мини-банклари тармоғини вужудга келтириш ва такомиллаштириш ишларини давом эттирди. Ҳозирги кунда Республика ҳудудида Ўзмиллийбанкнинг 87та мини-банки ҳамда 222та ихтисослаштирилган кассаси ишлаб

турибди. Уларда аҳолидан тўловлар ва ташкилотлардан тушум қабул қилинмоқда. Мини-банкларни яратиш, аввало, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ишловчи корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолиятини қизғинлаштиришга, шунингдек хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг сифатли банк хизматларига бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган. Бундан ташқари, ривожланган мини-банклар тармоғи молия-кредит хизматлари бозорининг турли сегментларида Банкнинг рақобат мавқеини мустаҳкамлаш имконини беради.

Банк ўз ресурс базасига эгаллиги, кредит портфели тўғри диверсификация қилингани, даромадларнинг истиқболли манбалари чуқур ўрганилгани ҳамда мижозларнинг энг қатъий талабларига жавоб берадиган кенг доирадаги банк маҳсулотлари Миллий банкка молия-кредит хизматлари бозорида етакчилик қилиб, бутун республика иқтисодий сектори ривожланишида кўмаклашиш имконини бермоқда.

Микдорни кўпайтиришдан кўра сифатни яхшилаш устун қўйилиши Миллий банк филиаллар тармоғини бошқариш тизимида асосий принцип қилиб олинган. Шунга мувофиқ, Банк ҳозир ишлаб турган бўлинмаларда бизнесни янада ривожлантириш, ресурс базасини ўстириш, мижозларга хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларини шакллантиришни режалаштираяпти.

Кредит фаолияти

Миллий банк ўз фаолияти даврида ҳукуматга оид ва минтақавий даражадаги кўплаб дастурларни амалга оширишда, хусусан ҳар йили ишлаб чиқиладиган инвестиция дастурларида, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва модернизациялаш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларида фаол қатнашиб келаяпти.

Иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалари ҳажми 2011 йилда аввалги йилнинг тегишли давридагига нисбатан 20% кўпайди. Кредит портфелидаги узоқ муддатли кредитлар улуши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш ишлари банк фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири сифатида белгиланган. Кредит портфелининг асосий улуши узоқ муддатли кредитлардан иборат бўлиб, уларнинг қиёсий салмоғи 89,1%ни ташкил қилди.

Хорижий банкларнинг такрор молияланган маблағлари, ЎЗР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ва Банкнинг ўзига тегишли маблағлар хорижий валютада кредитлаш манбалари бўлиб хизмат қилди. Миллий валютада кредитлаш учун Банкнинг ўз маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг жалб этилган маблағларидан фойдаланилди.

2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Банк кредит портфелининг тармоқлар бўйича тузилиши қуйидагича бўлди:

2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра кредит портфелининг тузилиши



2011 йилда Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида” 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317 сонли қарорини бажаришга қаратилган кредитларни беришда давом этди. Банк йил бошидан бошлаб 1,4 трлн. сўмлик инвестиция лойиҳаларини молиялади.

2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Банк кредит портфелининг умумий суммасида инвестиция кредитларининг қиёсий салмоғи 87%ни ташкил этди.

2011 йил якунлари бўйича «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» МАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, Навоий кон-металлургия комбинати, «Ўзбекнефтгаз» МХК, “Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” УШК, “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” УК, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «General Motors Uzbekistan» ҚК ЁАЖ, «General Motors Powertrain - Uzbekistan» ҚК ЁАЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТЙК каби корхона ва ташкилотлар энг йирик қарз олувчилар бўлди.

Лойиҳаларни молиялаш

Мамлакат мустақилликка эришгач, иқтисодий тубдан янгилаш, уни таркибан чуқур қайта қуриш учун Ўзбекистон раҳбарияти республикага хорижий сармояларни жалб этиш вазифаларини ҳал қилишига тўғри келди. Қулай инвестиция муҳитини яратишга қаратилган жадал қонун чиқариш ишлари билан бир вақтда бу вазифа мамлакатнинг бутун молия тизими қайта ташкил этилишини тақозо этди. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бу ишда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳукуматнинг ишончли таянчига айланди.

Мамлакат Президенти Ислам Каримов Банк олдида мамлакат компанияларининг ташқи савдо операциялари бўйича хизмат кўрсата оладиган жаҳон даражасидаги молия

муассасасини яратиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишда кўмаклашиш, Ўзбекистон иқтисодийётига хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб этиш билан боғлиқ мутлақо янги ҳамда масъулиятли вазифаларни қўйди.

Банк республика раҳбарияти томонидан қўйилган вазифаларни шараф билан бажарди. Консерватив, пухта ўйланган сиёсатга таяниб, Банкда энг мақбул бошқарув механизмлари, самарали ўсиш стратегияси ишлаб чиқилди. Бундай йўл тутилиши Миллий банкка дадил ва жўшқин ривожланиш ва ўзининг 20 йиллигини профессионал молия муассасаси сифатида мустаҳкам обрў билан кутиб олиш имконини берди.

Банк иқтисодий ислохотларда фаол қатнашиб, кўп маротаба истиқболли лойиҳалар ташаббускори бўлди ҳамда ўз зиммасига янги молиявий марраларни биринчи бўлиб ўзлаштириш вазифасини олди. Банк халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги мустақил сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш ишларининг манбаида турди, самарали ташқи иқтисодий фаолиятни таъминлади, давлатнинг валюта ресурсларидан аниқ мақсадли фойдаланди. Мамлакатдан ташқарида Ўзбекистоннинг манфаатларини таъминлаш борасида Миллий банк олдида қўйилган “миллий” вазифа ҳам шундан иборат эди.

Ўзмиллийбанк ҳозирги кунда мамлакатдаги энг йирик инвестиция банки ҳисобланади.

Миллий банк ўз фаолияти давомида кўплаб ҳукумат ва минтақавий дастурларни амалга оширишда, хусусан ҳар йиллик инвестиция дастурлари, иқтисодий тармоқларини маҳаллийлаштириш ва модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурлари ва бошқаларда фаол қатнашиб келмоқда.

Мазкур лойиҳаларнинг асосий қисми саноатнинг ёқилғи-энергетика комплекси, агросаноат комплекси каби тармоқларига, тўқимачилик саноати, транспорт ва алоқа, тоғ-кон тармоғига тааллуқлидир.

1991 йилдан ҳозирги кунгача Миллий банк томонидан умумий қиймати 6,91 млрд. АҚШ долларини ташкил этадиган 217та лойиҳа молияланди.

Хорижий банкларнинг такрор молияланган маблағлари ва Банкнинг ўз маблағлари хорижий валютада кредитлаш манбалари бўлди.

Банк корхоналар ва ташкилотларга янги объектлар қуриш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда рақобатбардош маҳсулот чиқариш учун узок муддатли кредитлар беришнинг барча имкониятларини излаб топишга интилмоқда.

Миллий банк бераётган кредитлар иқтисодийнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга, ишлаб турган корхоналарни модернизациялаш ва юқори самарали янги ишлаб чиқаришларни жорий этиш чора-тадбирларини молиялашга, кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга, маҳаллий ресурсларни қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи истеъмол моллари ишлаб чиқарилишини ривожлантиришга қаратилган.

Лойиҳалар молияланиши иқтисодий реструктуризацияланишини таъминлайди ҳамда иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ва ўз харажатларини оқлаш принципларига асосланади.

Ҳозирги вақтда Миллий банк томонидан умумий қиймати 3,95 млрд. АҚШ долларини (эквивалентда) ташкил этувчи 122та инвестиция лойиҳаси бўйича 160та кредитга хизмат кўрсатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қафолати билан хорижий кредитларни жалб этган ҳолда 2011 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари манзил дастурига (ЎзР Президентининг 29.12.2010 йилдаги ПҚ-1455 сонли Қарорига 7-илова) мувофиқ, Миллий банк томонидан умумий кредит эҳтиёжи 430,58 млн. АҚШ доллари бўлган 4та лойиҳа бўйича молиялаш ишлари бошланган. Булар, жумладан: Фарғона, Марғилон шаҳарлари ҳамда сув қувурига яқин жойлашган аҳоли пунктлари сув билан таъминланишини тубдан яхшилаш; йўловчи ташийдиган электровозлар паркани янгилаш; юривчи состав таъмирлаш базасини

ривожлантириш, вагонсозликни ташкил этиш ва “Металл қуйиш-механика заводи” ШЖда металл қуйиш цехини реконструкциялаш (ЎЗР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан); “Ўзбекистон Ҳаво йўллари” МАКнинг ҳаво кемалари паркини янгилаш ва унификациялаш (ЎЗР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан).

Янги ишлаб чиқаришларни барпо этиш, ишлаб турганларини модернизациялаш ва реконструкциялаш бўйича 2011 йилда амалга ошириладиган йирик инвестиция лойиҳалари жамлама манзил дастурига (ЎЗР Президентининг 29.12.2010 йилдаги ПҚ-1455 сонли Қарорига 8-илова) мувофиқ, Миллий банк умумий кредит эҳтиёжи 1206 млн. АҚШ доллари ва 19 млн. евро бўлган 9та лойиҳа бўйича молиялаш ишларини бошлаган. Булардан энг йириклари: “Talgo-250 русумидаги (Испания) 2та тезюрар йўловчи электропоездни сотиб олиш” (ЎЗР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан); “Навоий ИЭСда буғ-газ қурилмасини бунёд этиш”; “Муборак газни қайта ишлаш заводи УШЖда суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун пропан-бутан аралашмаси қурилмасини бунёд этиш”; “Зормитан олтин конлари зонасидаги конлар негизида кон қазииш комплекси қурилиши (II босқич, Ғужумсой кони)”; бта ихтисослаштирилган кўчма асфальт-бетон комплекси тўпламини сотиб олиш (ЎЗР Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан).

Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда 2011 йилда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари манзил дастурига (ЎЗР Президентининг 29.12.2010 йилдаги ПҚ-1455 сонли Қарорига 10-илова) мувофиқ, Миллий банк бевосита хорижий инвестициялар ва кредитларга бўлган умумий эҳтиёжи қарийб 4305,24 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи бта инвестиция лойиҳасида қатнашяпти.

Шу илованинг барча лойиҳалари бўйича Миллий банк 2005-2007 йиллар даврида “Спентекс” ХК (Ҳиндистон), “ДЭУ Интернейшнл” ХК (Жанубий Корея), “HAIN TEX” ХК (Жанубий Корея) каби хорижий компанияларга мол-мулк комплексларини сотди.

Ўзмиллийбанк “Сургил кони негизида Устюрт ГКК қурилиши ва конни жиҳозлаш” ҳамда “Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси қурилиши” лойиҳаларида иштирок этиши кўзда тутилмоқда. “Джи Эм Пауэр Трэйн Узбекистан” ҚК ЁАЖда автомобиллар учун куч агрегатлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш” лойиҳаси молиялана бошланди.

Шундай қилиб, Миллий банк олиб бораётган ишлар унинг мамлакатдаги етакчи инвестиция банк-молия муассасаси деган унвонини яна бир бор тасдиқлайди. Инвестиция лойиҳаларини молиялаш борасида Миллий банк олиб борган ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон банк хизматлари бозорининг етакчиларидан бири бўлган Банк муваффақиятли амалга оширилган бир қанча инвестиция лойиҳаларидан иборат “состав”ни тортиб кетаётган “иқтисодиёт локомотиви” ролини бажармоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш

Бугунги кунда, мамлакат аҳолисининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш вазибаларини ҳал этиш, шунингдек маҳаллий бозорларни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш мақсадида Республика ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга биринчи даражали аҳамият берилмоқда. Ҳозирда ушбу соҳа мулкдорларнинг ўрта синфини ва кенг меҳнат бозорини вужудга келтиришда асосий омил, шунингдек миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банклар бераётган молиявий ёрдам шундай салмоқли натижаларга эришишда кўмаклашяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги Қарори мамлакат тижорат банкларининг фаоллиги ва барқарорлигини оширишда, кичик бизнес, шунингдек унинг шаклларида бири сифатида оилавий тадбиркорлик қўллаб-қувватланиши сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда муҳим дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакат тижорат банклари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига ишончини ошириш соҳасида катта ишлар олиб бориляпти. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун, шу жумладан таълим муассасалари, аёл ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида берилган имтиёзли кредитлар ҳамда микрокредитларнинг кўламлари кенгаймоқда. Кредитларни олиш шартлари соддалаштирилмоқда, кредит олиш учун тегишли буюртманомаларни кўриб чиқиш муддатлари қисқартириляпти.

Чунончи, Миллий банк ажратаётган кредитлар минглаб тадбиркорларга ўз бизнесларини ташкил этиш имконини берапти ва айни вақтда янги иш ўринларини яратишда кўмаклашмоқда.

Молиялаш чоғида Миллий банк берилаётган кредитлардан аниқ мақсадли фойдаланилиши масаласига жиддий эътибор қаратапти. Қўйилган вазифаларга эришиш учун Банк ўз имкониятларидангина фойдаланиб қолмасдан, шу билан бирга халқаро молия ташкилотларининг маблағларини ҳам жалб этмоқда.

Миллий банк якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс мақомини олиб ёки бундай мақом олмасдан фаолият юритаётган бошқа кичик бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш ишларида фаол қатнашяпти.

Миллий банк 2011 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 602,4 млрд. сўмлик кредитлар ажратди. Бу борадаги ўсиш 2010 йилдагига нисбатан 253,7 млрд. сўм ёки 172,8%ни ташкил этди.

Барча кредитлаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ёрдамида жорий йил бошидан буён 18,5 мингта янги иш ўрни яратилди.

Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан Миллий банк орқали берилган кредитлар ҳажми 2011 йил якунларига кўра 2,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўзмилийбанк аёл тадбиркорларга фаол ва ҳар томонлама кўмаклашиб, шу тариқа аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, соғлом оилани шакллантиришда ёрдам бермоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434 сонли Фармойишини бажариш мақсадида, Банк 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, барча кредитлаш манбалари ҳисобидан тадбиркор аёлларга жами 62 млрд. сўм ҳажмида кредитлар берди. Бу кўрсаткич бўйича ўсиш 2010 йилдагига нисбатан 21,5 млрд. сўм ёки 153,1%ни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 17.04.2006 йилдаги ПҚ-325 сонли ҳамда “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 21.05.2007 йилдаги ПҚ-640 сонли қарорларини бажариш мақсадида, Миллий банк томонидан 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, барча кредитлаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектларига жами 58,8 млрд. сўмлик кредитлар берилди. Бу борадаги ўсиш 2010 йилдагига нисбатан 36,6 млрд. сўм ёки 2,6 бараварни ташкил этди.

Банк томонидан ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш соҳасида серкирра ва аниқ мақсадли ишлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора тадбирлар тўғрисида” 2010 йил 28 июлдаги ПФ-4232 сонли фармонини бажариш ишлари олиб борилапти. Чунончи, Банк жами қарийб 5 млрд. сўм ҳажмидаги кредит маблағлари ажратди.

Микрокредитлаш катта аҳамиятга эга. Микрокредитлаш субъектлари, мустақил тадбиркорлик борасидаги дастлабки ижобий тажрибадан кейин, ўз бизнесини катталаштириш ва майда бизнесдан йирикроқ ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишга ўтиш учун қучли рағбат оладилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан берилган микрокредитлар ҳажми 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 70 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда ўсиш 2010 йилдагига нисбатан 25,8 млрд. сўм ёки 158,4%ни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида, Банкнинг ҳар бир таркибий бўлини маси ҳузурида “Тадбиркорлар хоналари” ишлаб турибди. Бу ерда зарур барча маълумотларни олиш, керакли ҳамма масалалар юзасидан банк мутахассислари билан маслаҳатлашиш мумкин.


2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилингани муносабати билан, шунингдек тадбиркорлик субъектларини янада рағбатлантириш мақсадида Миллий банк томонидан “Энг яхши инновацион лойиҳа”, “Хорижий валютадаги энг яхши инвестиция лойиҳаси”, “Тадбиркор аёллар орасида энг яхши бизнес-лойиҳа”, “Оилавий тадбиркорлик бўйича энг яхши бизнес-лойиҳа”, “Ёш тадбиркорнинг энг яхши бизнес-лойиҳаси” каби номинациялар бўйича танлов эълон қилинди. Банкдан ҳам миллий, ҳам хорижий валютада кредит олган мижозлардан танловда 25та лойиҳа қатнашди. Танлов ғолиблари имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи тегишли дипломлар, шунингдек қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Танлов Республикада нақадар қизиқарли ва уддабурон компаниялар ўз бизнесини ташкил этаётганлигини намойиш қилди. Улар ўзларининг янги технологиялари ва ишланмалари билан мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда кўмаклашяптилар, Республика банклари эса, мижозлар томонидан уларга нисбатан ортиб бораётган ишончни мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароит яратмоқда.


Бугунги кунда молия бозоридаги пешқадамликни янада мустаҳкамлаш, мижозлар, хусусан тадбиркорларнинг ишончини ошириш Миллий банк Тошкент шаҳар бош бошқармасининг олдидаги биринчи даражали вазифалигича қолмоқда.

Банк кредит портфели таркибида хорижий ҳамкорлар иштирокидаги кўшма корхоналар, кичик хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари бор. Бу эса, озиқ-овқат, кимё саноати, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги соҳаларида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида янгидан янги замонавий ишлаб чиқаришлар пайдо бўлишини билдиради.

Ҳозирги кунда Миллий банк томонидан хусусий тадбиркорларнинг кўплаб истиқболли лойиҳалари молияланган. Банк тадбиркорларга кредитлашнинг турли схемаларини таклиф этар экан, у даромад олишнигина ўйлаётгани йўқ. Бу ўринда ўз мижозлари учун молиявий шерик бўлиш, улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласига ҳам ҳаммиша асосий мақсадлардан бири сифатида қаралган.



**Кичик бизнес бўйича кредитларнинг тармоқ тузилиши
(миллий валютада)**



ЧАКАНА БАНК


Жисмоний шахсларга кўрсатилувчи хизматлар доирасини кенгайтириш сиёсатига қатъий риоя этган ҳолда, Миллий банк кўп турдаги диверсификацияланган маҳсулотларни тақдим этувчи республикадаги энг йирик чакана банк бўлиб турибди. Чакана миқозлар сони анча ўсганлиги бўлимлар ва филиаллар орқали кўрсатиладиган электрон хизматлар доираси кенгайтириш, аҳолининг ишончи ортгани, омонатлар шартларини мақбуллаштириш йўналишида олиб борилган аниқ мақсадли ишлар, янги депозитлар ишлаб чиқилгани ва жорий этилгани, хизматлар сифати оширилгани натижаси бўлди.

Омонат операциялари


2011 йилда Банк чакана бизнесни ривожлантиришни муваффақият билан давом эттирди ва қўшимча омонатчиларни жалб этиш ҳамда уларнинг ҳисобварақларидаги қолдиқларни кўпайтириш ишида муайян ижобий натижаларга эришди.

Ўтган йилда аҳоли омонатларининг сўм эквивалентидаги ҳажми 53 млрд. сўм кўпайиб, 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 401,9 млрд. сўм ҳажмида шаклланди. Шу жумладан миллий валютадаги депозитлар 281,7 млрд. сўмни ва хорижий валютадаги депозитлар 120,2 млрд. сўм ёки 67 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

**Жисмоний шахсларнинг миллий валютадаги депозитлари ҳажми динамикаси
(млрд. сўм)**



**Жисмоний шахсларнинг хорижий валютадаги депозитлари ҳажми динамикаси
(млн. АҚШ доллари эквивалентида)**



Миллий ва хорижий валюталардаги ҳисобварақларга эга омонатчилар сони 2011 йил мобайнида 80 мингтага кўпайди ва 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра деярли 2,5 миллион кишини ташкил этди. Бу эса, одамларнинг омонатлар қайтарилиши ва улар бўйича фоизлар тўланишини кафолатловчи ишончли ва барқарор молия муассасаси сифатида банкка ишончи ортганидан далолат беради.

Миллий банк доимий асосда сўм ҳамда валюта депозитлари доирасини кенгайтириш ишларини олиб борапти ва бунда мижозлар базасининг диверсификацияланганлиги ҳамда омонатчилар манфаатларини ҳисобга олмоқда.

2011 йил мобайнида шартлари ва сақлаш муддатлари ҳар хил бўлган миллий валютадаги 12та янги депозит тури ишлаб чиқилди ҳамда жорий этилди.


Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ҳамда Миллий банкнинг 20 йиллиги муносабати билан Республика аҳолисига миллий валютадаги иккита байрам омонати – “Мустақиллик” (5 ой, йиллик 24%) ва “Миллий банк юбилеи” (3 ой, йиллик 23%) депозитлари таклиф қилинди.

Чакана хизматлар тўпламига аҳолидан коммунал ва бошқа тўловлар учун маблағларни мини-банклар ва махсус кассалар тармоғи орқали қабул қилиш операциялари ҳам киради. 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра улар сони тегишлича 10та ва 101тага етди. 2011 йилда коммунал ва бошқа хизматлар тўлови сифатида қарийб 164,8 млрд. сўм қабул қилинди. Бу эса, 2010 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўп.

Шунингдек Банк жисмоний шахсларга халқаро тизимлар орқали ўтказиладиган банклараро ва тезкор пул жўнатмаларини амалга ошириш хизматларини ҳам таклиф этаяпти.

Ҳозирги вақтда Банк муассасалари «Western Union», «Быстрая почта», «Migom» ва «Азия Экспресс» тизимлари орқали, шу жумладан вакил банкларнинг «Unistream», «Лидер», «Caspian money transfer», «Intelexpress» тизимларидан ва «Платина» ТБ терминал тармоғидан фойдаланган ҳолда жисмоний шахсларнинг носавдо тусидаги жўнатмаларини қабул қилиш ҳамда юбориш хизматларини кўрсатмоқда.

Пул жўнатмалари халқаро тизимлари бўйича операциялар ҳажмларининг динамикаси (млн. АҚШ доллари)



2002 йилдан буён буён ўтган даврда мижозларга хизмат кўрсатиш пунктлари томонидан умумий қиймати қарийб 824,7 млн. АҚШ доллари бўлган 1,3 миллиондан ортиқ операция бажарилди, шу жумладан 2011 йилда бажарилган операциялар сони 70 мингтадан ошди. Жўнатмалар ҳажми эса қарийб 46,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Банк-молия тизимининг барқарорлигини ҳамда банкнинг инвестицион фаоллигини ошириш учун ресурс базаси ишончилигини таъминлаш мақсадида, жорий йилда депозитлар турини кўпайтириш йўли билан аҳолининг жалб этилаётган бўш пул маблағлари ҳажмини янада кўпайтириш, шунингдек янги банк маҳсулотлари ва хизматларини жорий этиш ҳамда уларнинг сифатини такомиллаштириш чакана хизматларни ривожлантириш борасидаги бош йўналиш бўлади.

Пластик карточкалар

Миллий банк замонавий технологиялар ва аҳоли учун банк маҳсулотларини жорий этиш соҳасида новатор, шунингдек ҳамisha мижозлар истакларини ҳисобга оладиган ва ўз сиёсатини уларнинг ҳар бирининг манфаатига қараб қурадиган, пластик карточкалар бозорида етакчиликни сақлаб, уларнинг эгаларига нақдсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар турларини такомиллаштириб борувчи ишончли ҳамкор сифатида ўзини кўрсатди.

Миллий банкнинг ҳам миллий, ҳам хорижий валюталардаги пластик карточкалари эгалари сони бетўхтов ўсиб бораётганлиги банк хизматлари бозорида Банк ўз маркетинг сиёсатини тўғри танлагани ҳамда замонавий банк маҳсулотлари ва ускуналарини фаол жорий этаётгани, бўлимлар ва филиалларни мунтазам равишда моддий-техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаётгани, ходимлар малакасини доимо ошириб бораётганидан далолат беради.

Доимий мижозлар учун ҳам, потенциал мижозлар учун ҳам ўз хизматлари жозибadorлигини ошириш, шунингдек аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими


бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида, Банк мунтазам асосда пластик карточкаларнинг ҳар хил турларини ишлаб чиқиб, таклиф қилаяпти, мижозларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантираяпти ҳамда жўшқин ўзгариб боровчи иқтисодий ва технологик омилларни, шунингдек Банклар уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда тасдиқлаган Ягона тарифларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг нарх ва тариф сиёсатини шакллантирмоқда.

Ўтган йил мобайнида Банк карточка бизнесининг барча йўналишларидаги ўз фаолияти миқёслари кенгайишини таъминлади, мижозларга пластик карточкалар бўйича янги хизматларни таклиф қилди, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг самарадорлиги ҳамда карточкалар орқали кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширди.

Муомалага чиқарилган карточкалар сони 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 1467 минг донадан ошди. Миллий валютадаги карточкалар бўйича тўлов терминаллари ва банк банкоматлари орқали бажарилган операциялар умумий ҳажми 1326 млрд. сўмдан кўпроқ бўлди. Бу эса, аввалги йилнинг шу кўрсаткичидан 1,4 баравар кўпдир.

2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 2001-2011 йиллар даврида муомаладаги карточкалар сони кўпайиши динамикаси

Динамика увеличения карточек в обращении в период за 2001- 2011 годы по состоянию на 01.01.2012г.



Карточкалар
сони

Йиллар

Сўм пластик карточкадан фойдаланувчи мижозлар доимий равишда кўпайиб бораётганини эътиборга олиб, Миллий банк уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ривожлантиришга катта маблағлар йўналтиришни давом эттирди. 2011 йилда Банк савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси, умумий овқатланиш корхоналари, коммунал тўловлар, шунингдек уяли алоқадан фойдаланганлик учун тўловларни қабул қилиш пунктлари, дорихоналар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, авиа- ва темир йўл кассалари, махсус кассалар, мини-банкларни ўз ичига олувчи, пластик карточкаларни тўлов воситаси сифатида қабул қиладиган савдо-сервис корхоналари тармоғини анча кенгайтди. Уларда ўрнатилган


терминаллар сонини эса 10299тадан 13756тага етказди. 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, республиканинг савдо-сервис корхоналарида ва банк муассасаларининг ўзида “UZKART” тизими микропроцессорли пластик карточкалари эгаларига хизмат кўрсатиш учун 13982та терминал ўрнатилган эди.

2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, 2001-2011 йиллар даврида ССҚда ўрнатилган терминаллар сони



Миллий валютада чиқарилган карточкалар бўйича 2011 йилда савдо-сервис корхоналарида бажарилган нақд пулсиз операциялар ҳажми 1225 млрд. сўмликдан ошди. Бу эса аввалги йилдаги ҳажмдан 1,4 баравар кўпдир.

2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, 2001-2011 йиллар даврида ССҚдаги айланмалар суммаси



Миллий банк маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва шаҳарни ташкил этувчи корхоналар билан биргаликда пластик карточкалар билан ҳисоб-китоблар кўламини ошириш, уларни қабул қилувчи инфратузилма доирасини кенгайтириш, янги маҳсулот ва хизматларни жорий этиш орқали пул эмиссиясини қисқартиришга, корхона ва ташкилотларда иш ҳақини сўм карточкалар воситасида бериш бўйча янги лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқди, тасдиқлади ҳамда ҳаётга тадбиқ этди. 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, бундай лойиҳаларнинг умумий сони 10653тага етди. Шулардан 1566таси 2011 йилда амалга оширилди.

Пластик карточкадан фойдаланувчи мижозларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси аниқ мақсадли ривожлантирилиши муайян натижалар берди. Ҳозирги кунда Миллий банк нақд пулсиз чакана ҳисоб-китоблар тизимини жорий этиш борасидаги асосий ғояни амалга ошириб, савдо-сервис тармоғидаги айланмалар ҳажмида пластик карточкалар бўйича бажарилган операциялар улуши 92,4%, улар бўйича олинган нақд пул улуши 7,6% бўлишини таъминлади.

Банкоматларнинг умумий сони 122та ва инфокиосклар сони 112тани ташкил этди. Бу ускуналар иш ҳақи лойиҳалари амалга оширилган корхоналарда, шунингдек супермаркетлар ҳамда умумий фойдаланиладиган бошқа жойларда ўрнатилган. Инфокиосклар ва банкоматлар карточка ушловчиларга карточкаларга маблағларни тушириш, уяли алоқа хизматлари, шунингдек коммунал хизматлар ҳақини тўлаш операцияларини бажариш учун кўшимча имкониятлар беради.

Агар маблағларни ҳисобварақлардан карточкаларга тушириш учун ўзига ўзи гуруҳли хизмат кўрсатиш марказлари (маблағларни ҳисобварақдан пластик карточкага тушириш ва савдо карталарини алоқа линияси орқали инкассация қилиш) ҳамда DUET Online мижоз иш жойлари (мижозларга шахсий компьютерларда Интернет орқали уларнинг карточка ҳисобварақларига кириш ҳамда улар билан операциялар бажариш имконини бериш) каби инфратузилма кенгайтирилиши имконини берувчи инновацион маҳсулотлар жорий этилмаганида бу қадар кўп пластик карточка эгаларига хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмасди.

DUET Online ўрнатилган ҳолатлар сони 2011 йил 1 январда 575тага етди. Ўзига ўзи гуруҳли хизмат кўрсатиш марказлари иш ҳақи лойиҳаларини амалга ошириш тўғрисида шартномалар тузилган барча йирик стратегик муҳим корхона ва ташкилотларда ўрнатилди ва уларнинг сони 214та бўлди.

2011 йилда Миллий банк ўз мижозларига SMS-, E-MAIL-, FAX-, WEB-хабарлаш ва IVR сервисини ўз ичига олувчи ONLINE BANK янги ахборот хизматини тақдим қилишда давом этди. Бу сервислар мижозларга банкда очилган ҳисобварақлар бўйича автоматик кўчирмалар, улар орқали бажарилган операциялар тўғрисида реал вақт режимида хабарномалар олиш, ҳисобварақнинг жорий қолдиғини назорат қилиш имконини беради. 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, ONLINE BANK хизматига уланган мижозлар сони 6300тадан ошди. SMS-хабарлаш хизматидан фойдаланувчи мижозлар сони 6380тани ташкил этди. Шулардан 62таси юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар, 6322таси IVR сервисидани фойдаланувчи мижозлар, 805таси Web-хабарлаш ва 144таси E-mail-хабарлаш хизматидан фойдаланишни хоҳлаган мижозлардир.

2011 йилда Банк мижозларга Internet- ва Mobile-banking хизматларини тақдим эта бошлади. Бу хизматлар мижозларга ўз ҳисобварақларини масофадан бошқариш, ундаги маблағларни тасарруф этиш, реал вақт режимида шахсий компьютерлар ва мобил телефонлар орқали товарлар ҳамда хизматлар ҳақини тўлаш имконини беради. 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, ушбу хизматдан фойдаланувчи мижозлар сони 48 кишини ташкил этди.


Visa Classic ва Visa Electron халқаро пластик карточкаларини чиқариш ҳамда улар бўйича хизмат кўрсатиш ишлари давом эттирилди. 2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Миллий банк муомалага чиқарган карточкалар сони 34 минг донадан ошди. Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдиган, тўлов воситаси сифатида Visa халқаро карточкаларини қабул қилувчи 140дан зиёд корхона Миллий банк терминаллари ва импринтерлари билан жиҳозланган. Ўзмилийбанк хизмат кўрсатиш тармоғида (савдо-сервис корхоналари, банкоматлар ва нақд пул бериш пунктларида) халқаро карточкалар бўйича айланмалар 2011 йил мобайнида 14,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Банк Visa халқаро карточкалари

ушловчиларига савдо-сервис корхоналари ва банк муассасаларидагина эмас, шу билан бирга банкоматлар ва нақд пул бериш пунктлари тармоғи орқали ҳам хизматлар кўрсатди.

2011 йилда Миллий банк Visa Electron “For Exchange operations” халқаро карточкаларини муомалага чиқара бошлади. Айирбошлаш пунктида сотиб олинган хорижий валютадаги маблағлар киритиладиган бундай карточкалардан Ўзбекистондан ташқарида ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланилади.

2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, 2001-2011 йиллар даврида Visa карточкаларини чиқариш динамикаси

карточкалар
сони



Миллий банк Ўзбекистон Республикасининг «UZKART» банкларро тўлов тизимига аъзо 27 банк учун ҳисоб-китоб банки вазифасини бажаради. Шунингдек у “онлайн” режимида ишловчи янги «Uzkart-EMV» карточка тизими учун ҳам шу вазифани бажарувчи банк сифатида тасдиқланган.

Карточкаларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини мақбуллаштириш, мавжуд ускуналар ва дастурий таъминотдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва шу тариқа пластик карточкаларни чиқариш ҳамда улар бўйича хизмат кўрсатиш дастурининг даромадлилигини ошириш принципи асос қилиб олинган стратегия фаол амалга оширилмоқда.

Чакана хизматларни ривожлантириш соҳасида 2011 йил учун тасдиқланган сиёсат амалга оширилиши республика фуқароларининг кундалик ҳаётига банк пластик карточкаларини ҳамма жойда жорий этиш йўли билан шундай карточкалар асосидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш имконини берди. Бу эса, аҳолининг банкларга бўлган ишончини анча мустаҳкамлади ва банк пластик карталарининг энг замонавий ва бехатар нақдсиз чакана ҳисоб-китоблар усули сифатидаги жозибдорлигини оширди.

ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражаси ва молиявий барқарорлагини ошириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, инвестицияларни, шу жумладан тижорат банкларининг маблағларини иқтисодиётни таркибан ислоҳ қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнларига кенг жалб этиш мамлакатда юз бераётган ислохотларнинг асосий жиҳатидир. Давлатимиз раҳбарининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида” 2008 йил 18 ноябрдаги Фармони қўйилган вазифаларни амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Инвестициялаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, бошқарувнинг замонавий усулларини жорий қилиш, эски иш ўринларини тиклаш ва янгиларини вужудга келтириш йўли билан корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклашда банклар бераётган ёрдам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иқтисодиёт реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, банкрот корхоналарни соғломлаштиришда фаол иштирок этапти. Мамлакат Президентининг фармониға мувофиқ, Банк олиб бораётган иш ўз ижобий натижаларини бермоқда.

2012 йил 1 январдаги ҳолатға кўра, банкрот корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, уларни модернизациялаш ва зарур айланма сармоя билан таъминлаш учун жаъми 116,2 млрд. сўм, шу жумладан 2011 йилда 52,5 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар инвестицияланди.


Олиб борилган ишлар натижасида 2012 йил 1 январдаги ҳолатға кўра, тикланган 47та корхонада (тикланган ва сотилган 11та корхонани ҳисобға олганда) 276,8 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 69,45 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулот экспорт қилинди. Шундан тегишлича 139,4 млрд. сўм ва 27,5 млн. АҚШ доллари 2011 йилға тўғри келди. Корхоналарда 5722та иш ўрни яратилди.

Шу билан бирға, Банк банкрот корхоналар мулки негизида ташкил этилган шуъба корхоналарнинг активларини ўзининг “NBU Invest Group” ОАЖ ва “NBU Investment” ОАЖ инвестиция компаниялари орқали самарали бошқариш тизимини йўлга қўйди. Банкрот корхоналар негизида ташкил этилган 40та шуъба корхона мана шу компанияларға ишонч асосида бошқариш учун топширилган.

Банк ушбу инвестиция компанияларининг устав сармоясини шакллантириш учун 106,2 млрд. сўм, жумладан 2011 йилда 34,2 млрд. сўм миқдоридаги пул маблағларини ажратди.

Банк қўйилмалари шуъба корхоналар ҳисобига ўсганлиги инвестициялар портфели тузилиши ўзгаришиға олиб келди. У 2012 йил 1 январдаги ҳолатға кўра қуйидаги кўринишға эға бўлди.

1.01.2012 йилдаги ҳолатга кўра қимматли қоғозлар портфелининг тармоқ тузилиши



Банк портфелининг катта қисми асосан банкрот корхоналар негизда ташкил этилган шуъба корхоналардан иборат (71,68%).

Шунингдек, Банк томонидан молия бозори муассасаларини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Хусусан, инвестицияларнинг катта қисми банк секторига (4,59%), молия бозори инфратузилмасига (16,73%), лизинг компанияларига (1,17%), шунингдек суғурта компанияларига (0,85%) йўналтирилган.

Банкнинг инвестиция сиёсати қимматли қоғозлар ва улушларга инвестицияларни амалга ошираётганда фаолият кўламларини кенгайтириш, кўшимча мижозларни жалб этиш билан бир қаторда, асосий мезон сифатида фонд портфелининг даромадлилиги таъминланишини кўзда тутлади. Ҳисобот даврида қимматли қоғозлар билан операциялардан Банк олган даромадлар 14,3 млрд. сўмни ташкил этди. Булар, хусусан:

- Давлат ўрта муддатли ғазначилик мажбуриятлари – 65,8 млн. сўм;
- “Агробанк” ОАЖнинг депозит сертификатлари – 523,6 млн. сўм;
- акциялар ва улушлар бўйича дивидендлар – 13730 млн. сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 28 июлдаги 1166-сон Қарорини бажариш мақсадида, юридик шахсларнинг бўш маблағларини банкнинг қарз қимматли қоғозларига жалб этиш ишлари фаол олиб борилди. Қимматли қоғозларнинг жозибadorлигини ошириш учун Миллий банк корпоратив облигацияларининг жами 135 млрд. сўмлик 4та эмиссия проспекти ишлаб чиқилди ва рўйхатга олинди.

Ҳозирги вақтда Банкнинг жами 113,9 млрд. сўм ҳажмидаги қарз қимматли қоғозлари муомалада юрибди. Шулардан юридик шахсларнинг депозит сертификатлари – 27,6 млрд. сўм, жисмоний шахсларники – 52,2 млн. сўм, корпоратив облигациялар – 86,2 млрд. сўм.

Кўплаб молияланган лойиҳалар амалга оширилиши орқали эришилган натижалар Миллий банк инвестиция сиёсатининг самарadorлигини тасдиқлаб турибди. Банк ўз сармояси

билан республиканинг стратегик муҳим корхоналари акциядорлари таркибига кириш йўли билан инвестиция жараёнларида, иқтисодийнинг турли секторларига мансуб корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашда қатнашмоқда.

2012 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Банкнинг корхоналар акциялари ва улушларини сотиб олиш йўли билан улар устав сармоясига йўналтирган жами инвестициялари 636 млрд. сўмни ташкил этди. Ҳолбуки, мазкур кўрсаткич аввалги йил бошида 544,07 млрд. сўм эди. Бунда ҳисобот йилида Банк инвестиция портфелидаги ўсиш 91,9 млрд. сўмни ташкил этди.

Миллий банк томонидан қимматли қоғозлар бозорида брокерлик, андеррайтинг, давлат ва корпоратив қимматли қоғозлар портфелларини шакллантириш, Банкнинг ўз қимматли қоғозларини чиқариш каби хилма-хил хизмат турлари тақдим этилмоқда.

Шунингдек, йирик корхоналарга андеррайтинг хизматлари кўрсатиш, траст, брокерлик, РЕПО операцияларини бажариш ҳамда инвестиция-банк хизматлари комплексини тақдим этиш йўли билан маслаҳатлар бериш борасида Банк олиб бораётган ишлар фаоллаштирилди.

БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ахборот технологиялари, бу эндиликда расм бўлган янгилик эмас, балки ҳар бир замонавий банк ишининг ажралмас таркибий қисмидир. Инсоннинг ҳар қандай фаолияти кун сайин кўпроқ автоматлаштирилаяпти. Бу эса, ходимларнинг меҳнат қобилиятигагина эмас, бутун молия ташкилотини иши натижаларининг сифатига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Миллий банк ахборот тизимларини бутун дунёда қабул қилинган стандартларга мувофиқ ривожлантираяпти. Бундан кўзланган мақсад, бир томондан жаҳондаги молия ташкилотлари билан зарур даражадаги банклараро муносабатларни таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, республика ичидаги ўз миқдорларига юқори сифатли хизматлар кўрсатиш ҳамда замонавий банк хизматларининг кенг доирасини тақдир этишдир.

Автоматлаштирилган банк тизими молиявий ресурсларни керакли соҳаларга жамлаб, Банк ресурсларини бошқариш, Банк бўлинмаларини тезкор бошқариш имконини беради. Банк асосий тизимларининг ишончлилигига кластерли ечимлар асосида резервлаш ҳисобига эришилди. Бундай ечим, ҳатто бир ёки бир неча сервер ишдан чиққан тақдирда ҳам Банкнинг фаолияти давом этишини таъминлайди.

Шу билан бирга, жаҳондаги ахборот технологиялари ривожланиши тенденцияларини ҳисобга олиб, Банк мутахассислари томонидан Банк ахборот тизимларини такомиллаштириш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Уларга, аввало, қуйидагилар киради:

- Банк хизматларини тақдим этишда фойдаланиладиган ахборот ресурслари ва сервислари билан маълумот узатиш корпоратив тармоғи (МУКТ) орқали Банк бўлимлари олиб борадиган ишлар тўхтаб қолмаслиги эҳтимолини янада ошириш;
- интернет халқаро тармоғи воситасида тақдим этиладиган мавжуд банк хизматлари доирасини кенгайтириш ва ишончлилигини ошириш мақсадида, йўлдош алоқасидан ердаги алоқа каналларига ўтиш лойиҳаси амалга оширилди, шунингдек жисмоний шахслар ўзларининг карточка ҳисобварақларидан тўлов ўтказишларини қулайлаштириш учун хизматлар ҳақини юқорида айtilган ҳисобварақлардан мобил телефон орқали тўлаш имконини берувчи тизим жорий қилинди. Интернет-банкнинг жорий этилди. Бу лойиҳа R-bank хизматига уланган Банк миқдорларига Ўзбекистон Республикасининг халқаро Интернет тармоғига уланган ҳар қандай жойидан туриб Банкдаги ўз ҳисобварақлари билан ишлаш имконини берди;

- пластик карточкадан фойдаланувчи жисмоний шахслар учун SMS-/EMAIL-хабарлар сервисидан фойдаланиш, ўз ҳисобварағининг ҳолатини текшириш учун Web-/IVR-кабинетга кириш имконини берадиган ONLINE BANK хизмати жорий этилди;
- юридик шахслар учун R-bank (Internet banking) хизматларидан ташқари ҳисобварақлар бўйича бажарилган операциялар тўғрисида ахборот олиш тезкорлигини ошириш мақсадида SMS-/EMAIL-хабарлаш ва IVR-кабинет хизматлари ҳам жорий этила бошланди;
- компьютер техникаси парки янгилангани ва модернизациялангани мижозларга хизмат кўрсатилаётганда Банк бўлинмалари ишининг тезкорлигини ошириш имконини берди. Шунингдек, икки томонлама босиш функцияси мавжуд бўлган матн босиш янги қурилмалари фойдаланишга киритилгани сабабли Банк Бош офисида қоғоз сарфи камайди;
- Миллий банк мутахассислари замонавий Web-технологиялар асосида «WS Personal» («Веб-сфера Персонал») тизимини ишлаб чиқдилар. Уни яратишдан мақсад Банк доирасида ягона ахборот-таҳлил ҳудудини вужудга келтириш эди. Мазкур тизим Банк ходимларини ҳисоботлар тўплашнинг автоматлаштирилган шакллари, зарур маълумотларни олиш ва таҳлил қилиш бўйича on-line сервислар билан таъминлайди. Шунингдек, «WS Personal» туфайли кадрларга оид маълумотлар ҳисобини автоматик тарзда оператив юритиш имконини берувчи кадрларга оид маълумотлар ягона базаси яратилди, шунингдек кадрларга оид маълумотларни Ўзмарказбанкка юбориш учун Марказий банк ИАТТ билан тизимни интеграциялаш ишлари амалга оширилди. «WS Personal» тизими электрон ҳужжатлар айланиши (ЭҲА) модулини ҳам ўз ичига олади. Бу модуль ёрдамида кўриб чиқишга келиб тушган ҳужжатлар ижроси назорат қилинади. ЭҲА тизими Банкнинг барча вилоят бўлимлари ва Тошкент шаҳридаги филиалларини қамраб олган. Шунингдек тизим Банк юридик хизмати учун мўлжалланган модулни ҳам ўз ичига олган бўлиб, у юридик ишларнинг марказлаштирилган базасини яратиш ҳамда унга кириш имкониятларини чеклаб қўйиш, талаб қилинадиган турли ҳисоботларни олиш имконини берди;
- Банк сайти тўлиқ модернизацияланди. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши сайтни қонунчиликнинг охириги талабларига мувофиқлаштириш, ундан фойдаланишни янада қулайроқ қилиш учун имконият яратди. Банк мижозлари билан тезкор ҳамжиҳатликни йўлга қўйиш учун сайтда тезкор алоқа модули ўрнатилди. Ушбу модул сайтга кирувчиларга Банк мутахассисларидан зарур ахборот олиш имконини беради.

Ахборот-телекоммуникация технологиялари ривожлантирилиши шарофати билан, Банкда кўрсатилаётган банк хизматлари доираси кенгайиб бораёпти. Уларнинг ишончлилиги, Банк мижозлари фойдаланиши имкониятлари ошяпти, Банк ресурсларини бошқариш осонлашмоқда. Бу эса, Банк фаолиятининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларига яхши таъсир кўрсатаёттир. Юқори малакали профессионаллар командаси Банкнинг турли ахборот тизимлари ишини таъминляпти ҳамда Банкда янги истиқболли технологиялар ва замонавий дастурий маҳсулотларни жорий этиш имкониятлари юзасидан тадқиқотлар олиб бораёпти. Ахборотни сақлаш ва унга ишлов бериш учун мўлжалланган, Банк ходимларига таҳлил ўтказиш ва зарур қарорлар қабул қилиш имконини берувчи ахборот-таҳлил тизимлари жорий этилган ҳамда ишлатилмоқда.

БАНК ХОДИМЛАРИ

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг энг йирик тижорат банкларидан бирига айланган Ўзбекистон Миллий банки 20 йилдан кўпроқ вақтдан буён олиб бораётган фаолият динамикасини унинг кадрлар салоҳияти қандай ошаётгани ва қарор топаётганида, Банк тузилиши кенгаётганида кўриш мумкин.

1991 йилда Банк ўз ишини 15 нафар мутахассис билан бошлаган эди. 1996 йилда ходимларнинг умумий сони 2 минг кишидан ошди. 1999 йилда 4 минг кишидан ортиқ ходим ишлади. Ҳозирга келиб эса, Банк ходимлари 6,5 минг кишидан кўпроқдир. Ўзмилийбанк тузилиши ҳам анча кенгайди. Миллий банкда 91та таркибий бўлинма, жумладан Ўзмилийбанк Марказий офиси, Ўзмилийбанк Тошкент шаҳар бош бошқармаси, 13та вилоят бўлими ва 76та филиал ишлаб турибди.

Миллий банк ходимларининг сифат таркиби таҳлил қилинганда у яхши профессионал салоҳиятга эгаллиги кўринди. Банк ходимлари умумий миқдорининг 90 фоиздан ортиғи базавий маълумотга, 73 фоиз ходим олий базавий маълумотга эга. Банк жамоасида 10 нафар иқтисод фанлари номзоди ишляпти. Шундай қилиб, фан билан ишлаб чиқариш амалий фаолиятда бирлашмоқда.

2011 йилнинг охирига келиб Банк ходимларининг 55%дан ортиғини аёллар ташкил этди. Банк меҳнат жамоасининг катта қисми – қарийб 54 фоизи 30 ёшга тўлмаган ёшлардир.

Банк хизматлари бозорини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, замонавий янги банк маҳсулотларини ўзлаштириш, банк ишларини автоматлаштириш ва жиҳозланганлик даражасини халқаро даражага етказиш учун малакали ходимлар жалб этилиши ҳамда тайёрланиши талаб қилинади.

Ўзмилийбанк кадрлар тайёрлаш стратегияси Банк ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга, ёш авлодни тарбиялашга қаратилган бўлиб, у Миллий банк ўзининг кадрлар сиёсатини ишлаб чиқишида устувор йўналиш ҳисобланади. Кадрлар малакасини ошириш тизими яратилаётганда Ўзмилийбанк Банкнинг оператив эҳтиёжлари ва стратегик мақсадларига асосланади. Кадрлар резервини тайёрлаш масаласига катта эътибор берилмоқда. Ҳозирда бу резерв таркибига Банк тизимининг 300дан зиёд истиқболли ходимлари кирган. Банк кадрларини тайёрлаш сиёсати кадрлар тайёрлаш тизимини кенг миқёсда ислоҳ этиш ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган узлуксиз таълимга таянади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси вакилларининг ўқишини ташкил этиш учун Япония Ҳукуматининг грантларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 18 июндаги 120-сон Қарорини бажариш мақсадида, кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар ажратиш бўйича Япония ҳукуматининг Беғараз ёрдам дастурида (JDS лойиҳаси) қатнашиш учун аниқ мақсадли ташкилот сифатида Ўзмилийбанк белгиланганлигини эътиборга олиб, Банк ходимлари мазкур Дастурда “Молия” мутахассислиги бўйича фаол иштирок этаптилар. 2011 йилда Банкнинг бир ходими Япониянинг “Рицуймейкан” университетига ўқишни тамомлади, яна бир ходим иккинчи саралаш босқичидан муваффақиятли ўтди. Улар Япония олий ўқув юрларида халқаро стандартларга мувофиқ магистр унвонини оладилар.

Шунингдек Миллий банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли Қарорини бажариш доирасидаги ишларни давом эттираяпти. Кадрлар тайёрлаш, шу жумладан Банкнинг кадрлар резервини вужудга

келтириш ишлари банк фаолиятининг турли йўналишларида олиб борилмоқда. Булар, хусусан:

- Миллий банкнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлаш ва хорижий вакил банклар, хорижий шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида хорижда малака ошириш;
- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ЎзР Банк-молия академиясида ўқиш;
- РБЎМ, БМА, Молиявий-иқтисодий ривожланиш халқаро маркази, Ўзбекистон Банклар уюшмаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг қисқа муддатли малака ошириш курсларида ўқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ҳамда шу академия ҳузуридаги Олий бизнес мактабида ўқиш. Академия ва ОБМни битирувчилар фақат Ўзмиллийбанкнинг резерви бўлибгина қолмасдан, республика даражасидаги кадрлар резерви ҳам ҳисобланади, уларнинг кўплари турли раҳбарлик лавозимларида ишлайдилар;
- Ўзмиллийбанкнинг махсус таълим грантлари бўйича ёш мутахассисларни тайёрлаш: илғор халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, айниқса Ўзбекистон минтақаларидан келган ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш ва ундан самарали фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида” 2007 йил 5 сентябрдаги 691-сон қарорини бажариш мақсадида, Ўзмиллийбанк таъсис этган махсус таълим грантлари бўйича Банк грантларини олган 26 киши Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида 4 йиллик бакалавр дастури бўйича 2008 йилдан буён ўқимоқда. Тошкентдаги Сингапур институтини битирганлар халқаро таълим стандартларига мувофиқ иқтисодий маълумот оладилар ва улар олий ўқув юртини тугатганларидан кейин 5 йил мобайнида Банк тизимида ҳалол ишлаб беришлари керак.
- Миллий банк тизими учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида Ўзмиллийбанк билан Тошкент Молия институти ўртасида шартнома тузилган. Унга мувофиқ, базавий банк мутахассислигини олиш мақсадида Ўзмиллийбанк тизимининг истиқболли ходимларини ўқитиш ишлари давом этаяпти.

Миллий банкда махсус Малака ошириш маркази ҳам ишлаб турибди. Ўзмиллийбанк ходимлари малакасини ошириш марказида йил давомида 137 ходим ўқитилди.

2011 йилда Банк мутахассислари малакасини ошириш марказида ҳозирги вақтда энг долзарб бўлиб турган 11 курс бўйича машғулотлар ташкил қилинди. Булар, хусусан: Бошқарувчи лавозимига резервда турган ходимлар учун “Замонавий банк иши”; бош бухгалтер лавозимига резервда турган ходимлар учун “Банк бухгалтерия ҳисоби”; “Бўлим балансини бошқариш”; “Экспорт-импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва конвертация ишларини ташкил этиш”; “Эмиссия-касса ишларини ташкил этиш” ва бошқалар.

Бундан ташқари, ЎзР Президентининг Қарорлари, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишлари, Ўзмарказбанк ҳамда Ўзмиллийбанкнинг топшириқларини бажариш мақсадида 2011 йил мобайнида турли семинарлар, жумладан минтақалар бўйлаб сайёр семинарлар ўтказилди.

Чунончи, ЎзР Президентининг 28.07.2009 йилдаги 1166 сонли ва 26.11.2010 йилдаги 1438 сонли Қарорларини бажариш мақсадида, февраль-июнь ойларида Банк бўлимлари ва филиалларининг инвестиция лойиҳалари учун масъул этиб тайинланган ходимларига мўлжалланган семинар машғулотларининг 5та курси ташкил қилинди. Бу семинарларда 62 мутахассис қатнашди.

ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш, уларда ишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш тўғрисида 2010 йил 30 сентябрдаги 636-ф сонли Фармойишини бажариш мақсадида Ахборот технологиялари департаменти билан биргаликда Бош офис ходимларини ўқитиш тематик режаси ишлаб чиқилди ва машғулотлар ўтказилди.

Ўзмарказбанкнинг 2011 йил 19 январдаги 38-25/16-сон топшириғини бажариш мақсадида ва “Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари”нинг 7-бандига мувофиқ, тегишли қонунлар ва ички норматив ҳужжатлар борасидаги билимларни текшириш ниятида Ички назорат департаменти билан биргаликда 2011 йил 4 апрелдаги 402-сон Фармойиш чиқарилди, сайёр семинарлар дастури ҳамда компьютер синовлари учун саволлар ишлаб чиқилди. Шу фармойишга биноан, Банкнинг 2063 нафар ходими ушбу семинарда қатнашдилар, 1379 нафар ходим эса компьютер билимлари бўйича синовдан ўтказилди.

Шу билан бир вақтда, электрон ҳужжатлар айланишига ўтилиши муносабати билан, бўлимларнинг иш юритувчилари ҳамда архив ходимлари учун семинар машғулотлари курси ўтказилди. Уларда Банкнинг 26 ходими қатнашди.

Умуман ҳисобот йилида таълимнинг барча шакллари билан Банкнинг 2390 ходими камраб олинди.

2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли Қарорнинг 72-бандини бажариш мақсадида, Малака ошириш маркази томонидан таълимни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди ва март ойидан эътиборан ўқув курслари бошланиши вақтида ҳам, тугаганидан кейин ҳам, жумладан ҳар бир аниқ ўқитувчи бўйича ходимларни тест синовларидан ўтказиш тизими жорий этилди. Билимларни баҳолашнинг бундай тизими ўқув материални ўзлаштириш сифатини, шунингдек ўқитувчиларнинг материалларни тингловчиларга етказа олиш қобилиятини аниқлаш имконини беради.

Ўзмарказбанкнинг топшириғига мувофиқ, Марказ томонидан бўлим ва филиалларнинг 44 нафар ходими учун индивидуал тайёргарлик курслари ташкил қилинди. Бу ходимларнинг 29 нафари бошқарувчи лавозимига ва 15 нафари бош бухгалтер лавозимига тавсия этилган эди.

Тошкент Молия институти билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида имзоланган битимга мувофиқ, февраль ойида Бош офис комиссияси томонидан Тошкент Молия институтининг 4-курс талабалари ҳамда магистрантлари орасидан энг саралари танлаб олинди. Бунинг натижасида 25 талабадан иборат “банк гуруҳи” шакллантирилди ва 3 мартдан эътиборан лекция машғулотлари бошланди. Лекция машғулотлари тугаганидан кейин банк гуруҳининг тингловчилари назарий материалларни мустақамлаш ва амалиётни ўташ, шунингдек кейинчалик ишга жойлашиш учун банк муассасаларига юборилди.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси давлат раҳбари – Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан, “Ўзбек халқининг ранг-тасвир асарларини сақлаш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда тасвирий санъат асарларини кенг кўргазма

килиш воситасида жамоатчиликни мамлакатимизнинг бой маданияти ва тасвирий санъат асарлари билан таништириш ишларини чуқурлаштириш мақсадида” ташкил этилган (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 сентябрдаги 425-сон Қароридан).

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси ўз фаолияти йилларида Ўзбекистондагина эмас, бутун собиқ совет фазосида ноёб маданият ва санъат марказларидан бирига айланди. Жаҳон тажрибасидан яхши маълумки, турли банклар ҳомийлигида тасвирий санъатнинг ҳар хил турлари фаол қўллаб-қувватланади. Чунончи, Германия Дойче банки ХХ аср Европа авангардининг ноёб коллекциясини тўплаган ва тасвирий санъат соҳасидаги хилма хил маданий лойиҳаларни ташкил этишга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Ёки, 20 аср Туркия рангтасвир санъати намуналарининг улкан коллекциясига эга бўлган Туркия Марказий банки замонавий Турк санъати ривожланишига ўз улушини қўшяпти.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Миллий банки ХХ аср Ўзбекистон рангтасвир ва графика санъати асарларининг мамлакатдаги биронта музейда ўхшаши йўқ қизиқарли коллекциясига эга. Бу коллекция замонавий ўзбек рассомларининг асарларинигина эмас, ХХ асрнинг биринчи ярмида миллий санъат классиклари яратган раритетларни ҳам ўз ичига олган. Миллий банкнинг қадимий тангалар коллекцияси ҳам жуда ноёб. Бу коллекция қадим замонлардан ҳозирги кунгача Марказий Осиё худудида мавжуд бўлган ҳар хил давлатлар ва турли тарихий даврлардаги тангалар тизими эволюциясини кузатиш имконини беради. Ҳозирги вақтда Миллий банк тарихий-маданий мероснинг ўрта аср қўлёзмалари каби муҳим қисмини ҳам сотиб олаяпти, шунингдек рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик асарлари коллекциясини янада тўлдирмоқда.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси кўرғазмалар ташкил этиш фаолияти билан қизғин шуғулланиб, ҳозирги замон санъатидаги бадий йўналишлар, Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётига ҳисса қўшаётган мусаввирлар ҳақидаги ахборотни ўзбек томошабинларига етказаяпти. Айни пайтда, Галерея хорижий санъат кўрғазмаларини ҳам ўтказмоқда. Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида 2004 йилдан буён АҚШ, Германия, Франция, Россия, Япония, Корея, Миср, Туркия, Болгария, Озарбайжон, Украина ва бошқа кўплаб мамлакатлар рассомларининг ишлари намойиш этилди.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида асарлар каталогларини тузиш, уларни ўрганиш ва тизимга солиш борасида мунтазам ишлар олиб борилаяпти.

Галерея ходимлари олис ва яқин хориж мамлакатларидаги турли халқаро илмий-назарий симпозиумлар, конференциялар, анжуманлар, кўрғазмалар, пленэрларда қатнашмоқда.

2011 йил мобайнида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси миллий тасвирий санъатнинг ёрқин бадий намуналарини тарғиб этиш ҳамда ўзбек томошабинини чет мамлакатлар санъати билан таништириш юзасидан фаол иш олиб борди.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида 2011 йил давомида жамоавий ва шахсий кўрғазмалар, миллий ва хорижий рассомларнинг экспозицияларидан иборат 23та кўрғазма тадбири ўтказилди.

Улар орасида Ўзбекистон Бадий Академиясининг академиги Н.С.Шиннинг “Муҳаббат ҳақида афсона”, рангтасвир устаси Ж.Усмоновнинг Наврўзга аталган “Инъикос”, ҳайкалтарош М.Облокуловнинг “Узилган парвоз”, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рассоми Р.Аҳмедов, рассом Б.Исмоилов, Рассом С.Куртжемилнинг шахсий кўрғазмаларини айтиб ўтишимиз мумкин. Керамикачи А.Авакян ва дизайнер Р.Саакяннинг “Доира ва квадрат” кўрғазмаси, “Фусункор тушлар” тадбири, Мустақиллик байрамига бағишлаб очилган “Олтин мерос саҳифалари. Миллий банк коллекциясидан” кўрғазмаси, Замонавий санъат 6-Тошкент Халқаро биенналесининг лойиҳалари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Масалан, Наврўз байрами муносабати билан ташкил этилган экспозиция асосан ўзбек рассомларининг баҳор, Она Ватан манзаралари, миллий одат ва анъаналар, халқ манзарали-амалий санъати турларига бағишланган, илгари намойиш қилинмаган янги асарларидан иборат бўлди. Кўрғазманинг умумий руҳи қувончли, ёрқин, шоирона дунёқараш, инсон ва табиатнинг, инсон ва жамиятнинг, инсон ва санъатнинг уйғунлигини акс эттирди. Замонавий ўзбек мусаввирлари асарларидаги янги тематик диапазон ва пластик изланишларда ўз ифодасини топган табиат янгиланиши, инсон ички оламининг янгиланиши кўрғазма экспозициясининг ўзагини ташкил қилди. Айти пайтда, рассомлар асарларидаги концептуал йўналиш умумий бўлгани билан уларни бир-биридан жанрлардаги, тематик, стилистик хилма-хиллик ажратиб турарди.

Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланган кўрғазмада Миллий банк томонидан 1994 йилдан 2011 йил охиригача сотиб олинган рангасвир, графика, ҳайкалтарошлик, нумизматика, асарлари, қўлёзма китобларнинг катта қисми намойиш қилинди. Бу ҳолат санъат ва маданият арбобларига, мамлакат кенг жамоатчилиги, ёшлар, пойтахтимизнинг хориждан келган меҳмонларига Ўзбекистоннинг Галереяда намойиш қилинган бой тарихий-маданий мероси билан танишиш имконини берди. Бу эса, ўз навбатида миллий меросни сақлаб қолиш ва тарғиб этиш ишига, шунингдек мустақил Ўзбекистоннинг яқин ва олис хориждаги бошқа мамлакатларда ўхшаши йўқ яратувчи маданий сиёсатига Миллий банк қўшаётган ҳиссани яна бир бор намойиш қилди.

2011 йилда хорижий кўрғазма лойиҳалари ҳам амалга оширилди. Булар: Шарль де Голлга бағишланган кўрғазма (Франция элчихонаси билан биргаликда), рассом Юн Кён-Анинг “Ипак Йўлининг мовий ранги” кўрғазмаси (Жанубий Корея Республикаси элчихонаси билан биргаликда), немис экспрессионист рассоми Отто Дикснинг кўрғазмаси (Гёте институти билан биргаликда) ва бошқалар.

Масалан, Юн Кён-А – корейлик рассом бўлиб, у атроф оламини ғоят ўзига хос бадиий назар билан кўради ва акс эттиради. У ўз манзарали композицияларини металлдан ишлайди ва бу асарлар кўпроқ дастгоҳли тусга эгадир. Унинг ишларида авангард санъатнинг тажрибаларга интилиш руҳигина эмас, Корея санъатининг миллий анъаналарига, хусусан Хвайодо (кушлар ва гуллар рангасвири) ёки Чёчунгдонинг анъанавий рангасвир асарларига (ўт-ўланлар ва ҳашаротлар рангасвири) таяниш ҳам сезилиб туради.

2011 йилда Галерея ходимлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро илмий-назарий конференцияларда, МДХ мамлакатларининг маданий-танишув сайёҳлиги соҳасида келишилган сиёсати бўйича 1-конференцияда; Боку шаҳрида бўлиб ўтган 1-халқаро маданиятлараро алоқалар анжуманида; Киев шаҳрида “Маданий мерос. Жамият. Мулоқот” мавзуида ўтказилган семинарда; Алмати шаҳрида “Адабиётшунослик, санъатшунослик ва халқ оғзаки ижодиётининг долзарб муаммолари” мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференцияда; Киев шаҳрида ўтган “Киев Ҳамдўстлик мамлакатлари ёш рассомларининг назари билан” халқаро пленэрида иштирок этдилар.

2011 йил мобайнида болалар студияси ишлаб турди. Унда тарбияланувчиларнинг ишлари Галереянинг турли кўрғазмаларида мунтазам равишда намойиш қилиб борилади. Болалар кўрғазмалари Наврўз ва Мустақиллик байрамлари муносабати билан ўтказиладиган бадиий кўрғазмаларнинг ажралмас қисмига айланиб қолди. 1 июнь – Халқаро болаларни муҳофаза қилиш кунини байрамона нишонлаш яхши анъанага айланди. Бу куни Тошкент шаҳридаги турли болалар студияларининг кўрғазмалари ташкил этилибгина қолмасдан, айти вақтда концерт дастури ҳам тайёрланади.

2011 йил мобайнида республика оммавий ахборот воситаларида Галереянинг кўрғазма тадбирлари ҳақида 17та мақола чиқди, унинг фаолияти телевидение орқали мунтазам равишда ёритиб борилмоқда.

2012 ЙИЛ УЧУН ВАЗИФАЛАР

Босиб ўтилган йўлга ўгирилиб қарар ва айрим яқунларни чиқарар эканмиз, шуниси аниқ-равшанки, халқаро даражадаги банк муассасасини вужудга келтириш лойиҳаси шакл-шубҳасиз муваффақият қозонди.

Ҳозирги кунда Мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш динамикаси, унинг ҳаётининг барча томонлари ва аввало иқтисодиёт соҳаси эркинлаштирилганлиги Миллий банк мамлакат олдида турган янги масъулиятли вазифаларга жавоб берадиган тарзда янада ривожланиши учун объектив замин ҳозирлайди.

Бугун мамлакат молия-банк секторидаги ҳамма ўзгаришларга зудлик билан мослашиш, мижозларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан доимо хабардор бўлиш ва уларни ҳисобга олиш зарур.

Шуни эътиборга олиб, Миллий банк 2012 йил учун ривожланишнинг қуйидаги асосий йўналишларини белгилади:

- инвестиция бизнесини ривожлантириш, Ўзбекистон иқтисодиётини, айниқса унинг экспорт салоҳиятини тараққий эттиришда ёрдам берадиган инвестиция лойиҳаларини молиялашда Банкнинг ролини кучайтириш;
- Банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш;
- иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва тиклашда, уларни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашда, рақобатбардош маҳсулот чиқарилишида кўмаклашишни давом эттириш;
- кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматлар ҳажмларини анча кенгайтириш, агросаноат комплекси субъектларини қўллаб-қувватлаш;
- ҳар бир мижозга янгича ва диверсификацияланган тарзда ёндашиш ҳамда янги банк маҳсулотларини таклиф этиш орқали чакана бизнесни устувор ривожлантириш;
- хорижий банклар ва халқаро молия муассасалари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш;
- фонд бозоридаги хизматлар доирасини кенгайтириш;
- филиаллар тармоғини мақбуллаштириш ҳамда бутун республика бўйича энг кам харажатлар билан ҳамма жойда ва доимо барча турдаги хизматларни тақдим этишга қодир бўлган мини-банклар тармоғидан кенг фойдаланиш.